2010 йил 24 март, чоршанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 55—56 (11.616—11.617)

Баҳоси эркин нархда

# ЭЗГУЛИК, БАҒРИКЕНГЛИК ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

*Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!*

*Азиз дўстлар, муҳтарам меҳмонлар!*

*Биз орзиқиб кутадиган, баҳор, яшариш ва янгиланиш рамзи — Наврўзи олам қутлуғ қадами билан ўлкамизга кириб келмоқда.*

*Мана шу улуғ айём билан сиз азизларни, бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.*

*Ҳурматли юртдошлар!*

*Наврўз барчамиз учун азал-азалдан аввало табиат уйғониши, шарқона янги йил дебочаси, маънавиятимизнинг узвий қисмига айланиб кетган энг қадимий, асл миллий байрам сифатида азиз ва мўътабардир.*

*Ҳақиқатан ҳам, бу дилбар фаслда офтоб чарақлаб, ер кўкни қиздириши билан биз ҳам ўзимизни худдики янгитдан туғилгандек ҳис қиламиз, қалбларимиз, юракларимиз пок ниятларга тўлиб, бутун вужудимизда янги куч-ғайрат жўш ургандек бўлади.*

*Айни шу мунаввар кунларда инсон табиатдан баҳра олиб, сумалак ва ҳалим, гўжа ва кўксомса каби баҳорий неъматлар тортилган дастурхонлар атрофида Наврўз қувончини ўз яқинлари, дўсту биродарлари билан баҳам кўришга интилади.*

*Айни шу гўзал паллада бетакрор Ватанимизнинг барча гўшаларида — Фарғона водийсидан Сурхон тоғларигача, Қорақалпоқ диёридан Самарқанд боғларигача, Тошкент воҳасининг ям-яшил қир-адирларигача — халқимиз, кексаю ёш юртдошларимиз табиат билан уйғун бўлиб, сайил-томошалар ўтказиб, Наврўзни катта хурсандчилик билан кутиб олмоқда.*

*Саховатли заминимизда яшайдиган барча-барча инсонлар, қайси миллат, қайси элат вакили бўлишидан қатъи назар, бу ажойиб байрамни ягона оила бўлиб, шоду хуррамлик билан нишонламоқда.*

*Айни шу дамларда халқимизга мансуб бўлган бағрикенглик ва меҳрибонлик, кексаларнинг дуосини олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, муҳтож ва кўнгли ярим одамларга беминнат ёрдам бериш каби юксак фазилатлар яна ва яна бир бор ўзининг тасдиғини топмоқда.*

*Бу буюк ва бетакрор айёмнинг яна бир ноёб хислати шундаки, баҳор келиши, гул-чечаклар очилиши билан ҳар қайси инсон ўз оила аъзолари, қадрдонларини бағрига босиб, нафақат таниш, балки нотаниш одамларни ҳам қутлаб, соғлик-омонлик, бахт ва омад тилайди, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, аҳиллик тобора мустаҳкамланиб боришини, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлишини истайди.*

*Неча минг йиллик тарихдан маълумки, Наврўз фаслида турли низо ва адоватлар унутилади, одамлар ўртасида меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват, ҳамжиҳатлик каби инсоний туйғулар янада кучаяди.*

*Наврўзи оламнинг умуминсоний цивилизация ривожига қўшган буюк ҳиссасини инобатга олиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шу йилдан бошлаб бу айёмни Халқаро Наврўз куни деб тан олгани албатта бежиз эмас ва бу барчамизга катта ғурур ва ифтихор бағишлайди.*

*Қадрли дўстлар!*

*Бағрикенг ва меҳмондўст халқимиз ўзига раво кўрган яхшилик ва эзгу тилакларни доимо ўзгаларга ҳам раво кўради.*

*Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган, бизга яхши ният ва хайрихоҳлик билан қарайдиган, мамлакатимиз тараққиёти учун катта кўмак бераётган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларига, чет эл ваколатхоналари вакилларига, узоқ-яқиндаги дўсту ҳамкорларимизга самимий миннатдорчилик билдириб, уларни чин дилдан қутлашга рухсат этгайсиз.*

*Азиз ва қадрли ватандошларим!*

*Кўкламнинг беғубор нафаси уфуриб турган, деҳқонларимиз янги орзу-умидлар билан ерга уруғ қадаётган шу қутлуғ паллада барчангизни бағримга босиб, Наврўз байрами билан яна бир бор муборакбод этаман.*

*Шу гўзал майдонга файз бериб ўтирган муҳтарам фахрийларимизга, мунис опа-сингилларимизга, чеҳрасида хуш кайфият, куч-ғайрат порлаб турган ёшларимизга, менинг азиз фарзандларимга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва самимий тилакларимни билдиришдан бахтиёрман.*

*Илоҳим, мана шундай хурсандчилик билан бошланаётган Янги йилимиз Ватанимизга тинчлик, бахту саодат, ободлик ва фаровонлик олиб келсин.*

*Деҳқонларимизнинг омадини берсин!*

*Ҳосилимиз мўл, хирмонларимиз баланд бўлсин!*

*Хонадонларимиздан файзу барака аримасин!*

*Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!*



## Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж





Қиш уйқусидан кўз очган она табиат янги кунга юз тутди. Димоққа дилни орзиқтирадиган ифор — баҳор нафаси урилади. Кўклам шабадаси уйғотган сабзалар нафис гиламдек кўзни қувнатади. Бодроқдек гуллаган ўрик шохларида, қоқигулларнинг хушбичим ғунчаларида кўклам суврати намоён. Насимлар оғушида жажжи болакайлар зумрад майсалар орасидан чучмомаларни теради. Мусаффо осмон бағрида чарх уриб учаётган қалдирғочлар қўшиғи юракларда ажиб ҳислар уйғотади.

Борлиқдаги уйғониш, яшариш ва янгиланиш юртимизга боқий байрам, меҳру оқибат, қут-барака рамзи — Наврўзи олам кириб келганидан мужда беради.

Одамлар қалбига чексиз қувонч бахш этадиган Наврўз неча минг йиллардан буён халқимиз асраб-авайлаб, эъзозлаб келаётган гўзал қадриятларимиздан...

23 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, муҳтарам отахону онахонлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари ташриф буюрган.

Соат 11.00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади.

Байрам тантанасига ҳозир бўлганлар давлатимиз раҳбарини қарсаклар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари халқимизни Наврўз байрами билан муборакбод этади.

Муаззам майдоннинг атрофида анвойи ранглардаги байроқчалар ҳилпирайди. Саҳна теграсида ўрнатилган турфа гуллар жонланиб, қуёшнинг заррин нурларида жилоланади. Бундай файзли манзаралар кўнгилларга ҳузур бахш этади.

Шундай фарахбахш дамларда она табиатда рўй бераётган яшариш, янгиланишларни қалбидан ўтказаётган ҳамюртларимизнинг кўнглида шодлик, яна бир Наврўзга, гўзал ҳаётнинг бебаҳо неъматларига эсон-омон етганимиз, элу юртимиз тинчлиги ва фаровонлиги учун шукроналик туйғулари жўш ураётир.

Фусункор майдон узра борлиқ уйғониши, Янги кунни мадҳ этувчи наво таралади. Сарин куй оғушида кўз ўнгимизда баҳорнинг ажиб манзаралари, ям-яшил қир-адирлар, гулларга бурканган водийлар, чаппар уриб гуллаган боғлар намоён бўлади.

...Саҳнага жажжи болакайлар кириб келади, майдон уларнинг шўх-шодон кулгуларига тўлади. Фарзандларимиз ижросидаги кўкламни, бахтиёр болаликни, мустақил юрт фарзандларининг беғубор ва қувноқ дамларини мадҳ этувчи жарангдор куй-қўшиқлар, жозибадор рақслар шодиёна аҳлини завқлантириб юборади...

Наврўз — баркамоллик, навқиронлик ва гўзаллик фасли. Жорий йилнинг Президентимиз томонидан Баркамол авлод йили деб эълон қилиниши навқирон авлодга беқиёс шодлик, ғурур ва ифтихор бағишлади.

Халқимиз азал-азалдан фарзандлар бахту иқболини кўзлаб, эзгу орзулар билан яшайди. Айни Наврўз кунларида фарзандларига атаб, уларнинг бахтли ва фаровон келажагини ўйлаб ниҳол экиб, боғ яратади. Ҳар қандай йилнинг хосияти баҳорнинг илк лаҳзаларидан маълум бўлганидек, биз буюк келажагимизни аввалам бор ҳар жиҳатдан тўкис, комил ва баркамол авлод тимсолида кўрамиз.

*(Давоми 2-бетда).*

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Уммон Султонлиги савдо ва саноат вазири Мақбул бин Али бин Султонни қабул қилди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Уммон Султонлиги ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.**

**● Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш «ОАВ соҳасидаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш: сифат ва самарадорликни ошириш бўйича долзарб вазифалар» мавзуига бағишланди.**

**● Бугун Тошкентдаги «Ўзкўргазмасавдо» кўргазмалар залида Ҳиндистоннинг халқ истеъмоли товарларига бағишланган «India Exhibition-2010» кўргазмаси ўз ишини бошлади. Кўргазмани Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси «Ҳиндистон-МДҲ» Савдо-саноат палатаси кўмагида Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этган бўлиб, унда иқтисодиётнинг турли соҳалари, жумладан, кичик ва хусусий бизнесга мансуб Ҳиндистоннинг 40 га яқин компаниялари иштирок этмоқда.**

**● Ўлкамизда Наврўз шукуҳи кезиб юрган кезларда Бухоро вилояти Вобкент туманидаги Паноб аҳоли масканида намунали лойиҳалар асосида бунёд этилган 20 та уйга ёш оилалар кўчиб ўтди. Барча тегишли шарт-шароитлар яратилган ушбу муҳташам уйларни бунёд этиш учун 1,4 миллиард сўмлик маблағ сарфланди.**

**● Фарғона шаҳридаги «Тапо-диск» қўшма корхонасида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2 миллион АҚШ долларилик сармоя эвазига кенг кўламли модернизация ишлари амалга оширилишининг самараси ўлароқ автомобиллар учун йилига 54 турдаги жами 1 миллион дона диск ишлаб чиқариш имконияти яратилди.**

**● Ўтган йили «Микрокредитбанк»нинг Бухоро вилоят филиали томонидан мини технологияларни харид қилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш мақсадида 12 миллиард сўмдан ортиқ миқдорда кредитлар ажратилди. Бу истеъмол бозорини тўлдириб, қўшимча равишда 7 мингта иш ўринлари яратишга имкон туғдирди.**

### ЖАҲОНДА

**● Латвия Вазирлар маҳкамаси еврони жорий этиш миллий режасига тузатишлар қабул қилди. Унга кўра мамлакат 2014 йил 1 январдан бошлаб расман еврохудудга киришни режалаштирмоқда.**

**● Исроил бош вазири Б.Нетаньяху АҚШ ва жаҳон ҳамжамиятининг бошқа мамлакатларининг норозилигига қарамай Исроил Иерусалимда турар жойлар қурилишини тўхтатмаслигини таъкидлади.**

**● Unite касаба уюшмаси парвоз бекаларининг иш ташлашлари натижасида Britsh Airways авиа компаниясининг самолётлари бутун жаҳон бўйлаб йўловчиларсиз учишга мажбур бўлмоқда.**

**● Япониянинг Токио шаҳрида ўйинчоқ роботлар ўртасида қизиқарли халқаро беллашувлар ўтказилмоқда. Ғаройиб турнирда ҳозирча Хитойда тайёрланган роботлар олдинда бормоқда.**

**● Германия ҳарбий денгиз кучларининг Адан кўрфазида соқчилик вазифасини ўтаётган «Эмден» ҳарбий кемаси Европанинг денгиз қароқчиларига қарши қаратилган «Аталанта» тадбири давомида Сомали қароқчиларининг кемасини қўлга олишга муваффақ бўлди. Қароқчилар кемаси бортидаги қурол-яроғлар мусодара қилинди, иккита моторли қайиқ эса чўктириб юборилди.**

**● Япониянинг бир қатор йирик автомобилсозлик компаниялари электр токи ёрдамида ҳаракатланадиган автомобилларни қувватлантириш станциялари қуриш уюшмасини тузиш хусусида келишиб олишди. Мазкур лойиҳа «Toyota Motor», «Nissan Motor», «Mitsubishi Motor» каби компаниялар ва «The Tokyo Electric Power» корхонаси томонидан қўллаб-қувватланди. Таъсисчиларнинг сўзларига қараганда, янги уюшма бутун дунёда шундай станциялар қуриш билан шуғулланади.**

# ЭЗГУЛИК, БАҒРИКЕНГЛИК ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Президентимиз таъкидлаганидек, ниманики ўз олдимизга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилмайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизида, барча эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси мужассамдир.

Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йиллариданоқ баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Фарзандларимизни баркамол, замонавий билимларни пухта эгаллаган, иймонли-эътиқодли, буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари бўлиб камолга етишига доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда.

Ўтган 2009 йилда соғлом зурриётни дунёга келтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ўғил-қизларимизнинг замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини эгаллаши, ўз иқтидор ва қобилиятини рўёбга чиқариши учун кенг имкониятлар яратиш, ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбарининг она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар, 2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастурига оид қарорлари бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Она ва бола скрининг хизмати йўлга қўйилгани, соғлом оналикни таъминлаш, фертиль ёшидаги аёлларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш, озиқ-овқат таркибини фойдали микроэлементлар билан бойитиш, қон хизмати хавфсизлигини таъминлаш, оилада тиббий маданиятни ошириш, репродуктив саломатликни яхшилаш, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш ишларини мунтазам йўлга қўйиш бўйича амалга оширилаётган кенг миқёсли изчил чора-тадбирлар соғлом фарзандлар туғилишига хизмат қилмоқда.

Ёшликда олган билим — тошга ўйилган нақшдир. Дарҳақиқат, инсон умрининг ёшлик йиллари ўқиш, изланиш, камолот сари интилиш палласи, бахт-саодат йўлидаги энг муҳим босқич ҳисобланади. Аниқ мақсад-муддаоларни кўзлаган ҳолда тинимсиз илм ўрганиш, ижодий изланишда бўлиш ўз самарасини бериши, шубҳасиз. Юртимизда ёшларимиз учун бу борада ҳавас қилса арзигулик шарт-шароит ва имкониятлар яратилган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг таркибий қисми сифатида қабул қилинган Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ўз вақтида узоқни кўзлаб бошлаган оламшумул ишларимизнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Биргина 2009 йилда мамлакатимиз бўйича жами 1957 мактаб, 214 академик лицей ва касб-ҳунар коллежи қурилгани ва реконструкция қилингани, улар энг замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий воситалар билан жиҳозлангани, спорт инфратузилмасига эга бўлгани, барча мактабларимиз ҳаётига Интернет тизими кириб боргани ёшларимизнинг камолоти йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг ёрқин ифодасидир.

Президентимиз таъкидлаганидек, спорт ёш авлодга соғ-саломат, бардам-бақувват, ҳурфикр инсон бўлиб етишиш учун ёрдам беради. Спорт оилада, жамиятда соғлом муҳит қарор топиши учун замин бўлиб хизмат қилади. Спорт мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрўйини янада ошириш, нуфузини янада юксалтириш учун имконият яратади.

Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада спорт мусобақалари навқирон авлодни спортга кенг жалб этиш билан бирга юртимиз байроғини халқаро майдонларда баланд кўтарадиган спортчиларни кашф этишда ғоят катта аҳамият касб этаётир. Болалар спортини ривожлантириш борасида мамлакатимизда яратилган тизим ва тўпланган тажриба жаҳонда кўпчиликда қизиқиш ва ҳавас уйғотмоқда.

Бу соҳада амалга оширилаётган ишларимизнинг самараси ўғил-қизларимизнинг халқаро майдонларда эришаётган муваффақиятлари мисолида ҳам намоён бўлмоқда. 2009 йилнинг сентябрь ойида Италиянинг Милан шаҳрида бокс бўйича ўтказилган XV жаҳон чемпионатида вакилларимиз битта олтин, битта кумуш, иккита бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллади. Эркин ва юнон-рум кураши бўйича Данияда ўтган жаҳон чемпионатидан ўзбекистонлик курашчилар бир олтин, бир кумуш ва бир бронза медаль билан қайтгани, каноэ ва байдаркада эшкак эшиш бўйича Теҳронда ўтган Осиё чемпионатида спортчиларимиз 9 олтин, 10 кумуш, 8 бронза медални қўлга киритгани алоҳида эътирофга лойиқдир.

Спортнинг нафис тури ҳисобланган бадиий гимнастика ва спорт гимнастикаси жадал ривожланмоқда. Жорий йил февраль ойида пойтахтимизда бўлиб ўтган бадиий гимнастика бўйича Осиё чемпионати ва гимнастикачи қизларимиз эришган юксак натижалар бу спорт турига эътибор ва қизиқиш мамлакатимизда муттасил ошаётганидан далолатдир.

Инсоннинг руҳий-маънавий камолоти, тафаккурининг ривожланишида санъатнинг ўрни ва аҳамияти ғоят каттадир. Шу маънода, ёшларимизнинг маънавиятини юксалтириш, уларни теран тафаккур, эзгу фазилатлар соҳиби этиб тарбиялашда, қалби ва онгида она Ватанга муҳаббат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат-эҳтиром туйғуларини мустаҳкам қарор топтиришда мусиқа санъатининг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Давлатимиз раҳбарининг болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини











янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурига оид қарори фарзандларимизнинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, уларнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг энг сара намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароит яратмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли вазифалар униб-ўсиб келаётган фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб, ҳаётга кириб боришига хизмат қилиши, шубҳасиз.

...Муаззам саҳнада болалик завқини суриб, барчага сурур бахш этаётган жажжи болакайлар тимсолида бугун вояга етаётган ёшларимизнинг нурли, беғубор юзларига, ақл-заковатига, ҳаракат ва интилишларига боқиб, уларнинг юртимизда ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган янги ҳаёт, янги жамият қуришга қодир эканига ишончимиз ортади...

Наврўз байрами азалдан покизалик, орасталик, меҳр-оқибат, хайру саховат тимсоли бўлиб келган. Ота-боболаримиз бундай кунларда хонадонлар, кўча ва маҳаллаларни ораста қилганлар, етим-есир, бева-бечоралар, хастаю муҳтожларга меҳрибонлик, саховат ва мурувват кўрсатишга шошилганлар, гина-кудуратлар унутилган.

Халқимиз бу йил ҳам боқий байрамимизни алоҳида тараддуд билан кутиб олди. Баҳорнинг дастлабки кунларидан юртимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Умумхалқ ҳашари ташкил этилиб, маҳаллалар, кўчалар, аҳоли турар-жойлари ободонлаштирилди, ариқ-зовурлар тозаланди, зиёратгоҳ, қабристон ҳамда муқаддас қадамжолар тартибга келтирилди, мевали, манзарали дарахтлар, гул кўчатлари ўтказилди. Табаррук қарияларимиз, ота-она元ларимизни эъзозлаш, ўзаро меҳр-оқибатли бўлиш, катталарга ҳурмат ва кичикларга иззат кўрсатиш, жамиятимизда ҳеч кимни эътиборсиз ва қаровсиз қолдирмаслик каби азалий фазилатларимиз ривож топмоқда.

Буюк аждодларимизнинг илм-фан ва маданиятнинг кўплаб соҳалари ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини дунё аҳли кенг эътироф этган. Юртимизда маданий ва маънавий меросимизни, миллий қадриятларимизни янада бойитиш ва уларни умуминсоний қадриятлар билан уйғун ҳолда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йилда азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи халқаро миқёсда кенг нишонланди.

Халқимиз Наврўзни ҳамиша эзгу ниятлар, хурсандчилик, ўйин-кулги, яхши тилак ва истаклар билан қарши олган. Халқ термалари, бахшилар айтишуви, ҳазил-мутойиба, қўшиқлар, лапарлар янграган. Улоқ-кўпкари, халқ ўйинлари, пойга, кураш, мерганлик, қўчқор, хўроз уриштириш каби томошалар ўтказилган. Дорбозлар, масхарабозлар, қўғирчоқбозлар, полвонлар ўз санъатини намойиш этган. Сумалак, ҳалим каби хилма-хил баҳорий таомлар пиширилган.

...Фольклор ва этнографик жамоаларнинг ранг-баранг ашула ва рақслари, аскияларда, лапар, ўлан, яллаларда, полвону чавандозлар чиқишида Наврўз байрамининг ана шу хилма-хил ва ноёб қирралари намоён бўлади...

Янгиланиш – нафақат табиатга, балки жамият ҳаётига ҳам хос узвий жараён. Шу маънода, 2009 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайлов мамлакатимизнинг демократик ўзгаришлар, фуқароларимизнинг танлаш эркинлигини таъминлаш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида қандай улкан муваффақиятларга эришганини яна бир бор тасдиқлади.

Ушбу сайловлар сайловчиларимизнинг фаоллиги, очиқлик ва ошкоралик руҳида, миллий қонунчилик ва халқаро стандартларга тўлиқ риоя қилган ҳолда ўтганини жамоатчилигимиз, халқаро кузатувчилар кенг эътироф этди.

Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, бўлиб ўтган сайловлар халқимизнинг юксак ижтимоий-сиёсий маданиятини, унинг сиёсий ва фуқаролик онг даражаси тобора ўсиб бораётганини, сайловчилар мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларини чуқурлаштириш йўлидан изчил илгарилаб бораётганимизни кенг қўллаб-қувватлаётганини намойиш этди.

Тинч-осойишта юртда хурсандчилик, тўй-томоша кўпаяверади, ҳаловатли халққа байраму сайиллар ярашади. Юртбошимиз олиб бораётган оқилона сиёсат самарасида осмонимиз мусаффо, тинчлик-барқарорлигимиз мустаҳкам, турли миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек аҳил ҳаёт кечирмоқда. Она Ватанимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, шу муқаддас заминимизда ҳукм сураётган тинч-осойишта ҳаётни кўз қорачиғидек асраш, жондан азиз фарзандларимизни турли иллатлар ва бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

...Саҳнада бaралла янграётган мумтоз қўшиқлар, жозибали рақслар дилларни дилларга боғлайди, қалбларни фахрга тўлдиради. Кўз ўнгимизда Наврўзнинг инсонни ва тинчликни улуғловчи моҳияти, халқимиз маданиятининг нақадар бой ва бетакрор эканлиги янада ёрқинроқ намоён бўлади...

Тинчлик ва ҳамжиҳатлик ҳукмрон, фидойилик, изланиш, ташаббус ва ҳалол меҳнат қадрланган юртда қут-барака бўлади. Буни бугунги глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакатимизда иқтисодий барқарорлик, юксалиш суръатлари давом этаётганида ҳам кўриш мумкин. Мамлакатимизни ривожлантириш, янгилаш ва модернизация қилиш бўйича танлаган стратегиямизни ва Инқирозга қарши чоралар дастуримизни амалга ошириш натижасида 2009 йилда Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш, халқимизнинг моддий фаровонлигини юксалтиришга эришди. Ўтган йилда юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди.

Янги иш жойлари ташкил этиш, айниқса, ёшларни ва хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилган эътибор натижасида аҳоли турмуш даражаси юксалиб бормоқда. Ўтган йили кўрилган амалий чоралар самарасида 940 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди, аҳолининг реал даромадлари 26,5 фоизга кўпайди.

Ҳа, давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий ислоҳотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш борасидаги машҳур беш тамойил нақадар пухта ва ҳаётийлиги яна бир бор ўз тасдиғини топди. Жаҳонда тараққиётнинг ўзбек моделига, Ўзбекистонда инқирозга қарши олиб борилаётган чоралар дастурига қизиқиш ортиб бормоқда. Буни Президентимиз Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобининг қисқа муддатда кўплаб хорижий тилларга таржима қилингани ва нашр этилганидан ҳам билса бўлади.

Наврўз — бунёдкорлик фасли. Юртимизда Наврўздан Наврўзгача, яъни йил давомида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Мамлакатимиз бўйича 2009 йилда жами 22 йирик ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди. Қурилиш материаллари саноати, озиқ-овқат, енгил саноат ва бошқа тармоқларда кичик бизнес соҳасида 480 дан ортиқ янги корхона ташкил этилди. 217 километрли автомобиль йўли фойдаланишга топширилди, 538 километр йўл ва кўплаб кўприклар капитал таъмирланди.

Шаҳар ва қишлоқларимизда олиб борилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишларининг суръати вақтни-да шошириб қўядиган даражада ҳайратланарли. Буни ҳис этиш учун пойтахтимиз ҳуснига-ҳусн қўшган, халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳиятининг яна бир намоёнига айланган "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройини кўз олдимизга келтиришнинг ўзи кифоя.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, бу ерда замонавий архитектура талаблари асосида уй-жойлар, ижтимоий объектлар барпо этиш, қишлоқ аҳолисига муносиб турмуш шароитларини яратиб бериш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида меъморчиликнинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланган ҳолда ишланган намунавий лойиҳалар асосида замонавий, қулай ва шинам уй-жойлар қурилиши бошланди. Наврўз байрами нишонланаётган шу кунларда мазкур уйларнинг дастлабкилари ўз эгаларига топширилмоқда.

Юртимизда айём кунларида янги корхоналар, ишлаб чиқариш объектлари, таълим-тарбия муассасалари, спорт мажмуалари, хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топширилмоқда, янги боғ-роғлар яратилмоқда.

...Саҳнада санъат усталари, эстрада юлдузлари, ёш хонандалар ўзларининг янги куй-қўшиқларини, рақсларини тақдим этадилар...

Истиқлол йилларида миллий эстрада санъатимиз сифат жиҳатдан янги ривожланиш палласига кирди. Бундай натижаларга эришишда миллий ва умумбашарий мусиқа санъатини, жаҳон санъатининг энг яхши намуналарини ўрганиш бўйича катта имкониятлар очилгани, соҳа ривожига кўрсатилаётган доимий эътибор, ёш истеъдодларни кашф этиш учун яратилаётган имкониятлар муҳим аҳамият касб этади.

...Майдон узра таралган мусиқий оҳанглар, ҳофизлар хонишида Наврўз, Ватан, жамиятимиздаги бунёдкорлик муҳити, севги ва муҳаббат тараннум этилади...

Миллий боғда ташкил этилган халқ ҳунармандлари кўргазмасида намойиш этилаётган маҳсулотлар бунёдкор, меҳнатсевар халқимизнинг нафис диди, сержило касб-кори, бой маданий-маънавий мероси ва юксак санъатининг ифодаси сифатида кўнгилда фахр уйғотади.

Қиру адирларда, дашту далаларда, кўча ва хиёбонларда дилларни эркалаб баҳор сабоси таралмоқда, борлиқни уйғотувчи Наврўз навоси янграмоқда.

Юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Наврўз сайиллари давом этмоқда.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

## АЗИЗ ЮРТДОШЛАР! ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

*Сизларни она диёримизга файзу тароват билан кириб келган гўзаллик, нафосат, яшариш айёми —*

**Наврўз байрами**

*билан самимий қутлайди.*

*Меҳр-мурувват, саховат, бирдамлик каби эзгуликка йўғрилган байрамимизнинг умри боқий бўлиб, дилларимизни нурафшон этаверсин. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, ҳаётимиз фаровон бўлсин. Баркамол авлод йилида ёшларимизга ўқиш ва ишларида омад ва бахт ёр бўлсин.*



## ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ЖАМОАСИ

*азиз ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларини миллий қадриятларимиз гултожи бўлган — меҳр-оқибат, саховат ва нафосат байрами*

**Наврўз**

*айёми билан чин юракдан қутлайди. Севимли Наврўзимизнинг қадами қутлуғ бўлсин. Барча-барчага соғлик ва омонлик, хонадонларингизга тинчлик, осойишталик, дастурхонларингизга файзу барака, тўкинлик тилаймиз.*



## «AZN» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*барчангизни янгиланиш ва гўзаллик байрами —*

**Наврўзи олам** *билан муборакбод этади.*

*Оилангизга бахту саодат, саломатлик ва барака тилаб қоламиз.*

*«AZN» савдо ва музлатгич ускуналарини ишлаб чиқаради. Бизнинг корхона — бу сизнинг муваффақиятингиз гаровидир.*

Маҳсулотлар сертификатланган.

## «ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ ТОВАРЛАРИНИНГ КЎРГАЗМА-ЯРМАРКА САВДОСИ РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ» ЁПИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*юртдошларимизни Наврўз айёми билан қутлаб, ҳар бир хонадонга тўкин-сочинлик, ризқу барака, кетмас давлат, қўшалоқ омад, саодатли келажак ёр бўлишини чин қалбдан тилайди.*

**Наврўзи олам**

*оилаларимизга бахт-саодат ва фаровонлик келтирсин!*

## АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР ВА КАСБДОШЛАР!

*«Ўзстандарт» агентлиги ҳамда Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаси жамоаси барчангизни эзгулик, бирдамлик, бағрикенглик байрами —*

**НАВРЎЗИ ОЛАМ**

*билан самимий муборакбод этади. Шуни ҳам билдириб ўтамизки, тадбиркорлар учун ҳафтанинг ҳар сешанбаси «Очиқ эшиклар куни» деб белгиланган. 227-10-03 рақамли «Ишонч телефони» мунтазам тадбиркорлар хизматида.*

## ХАЛҚАРО «НАВРЎЗ» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

*ўлкамизга ҳусну тароватини ёйиб кириб келган фасллар келинчаги баҳорнинг гўзал айёми —*

**Наврўзи олам**

*билан барча ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларини самимий муборакбод этади. Маҳаллаларимиз обод, дилларимиз шод, ҳар бир хонадонга бахт-саодат ёр бўлишига тилакдошмиз.*



## ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР, ҲУРМАТЛИ ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ЖАМОАСИ

*Сиз, азизларни яшариш, покланиш, нафосат ва эзгулик байрами*

**НАВРЎЗ**

*айёми билан самимий муборакбод этади. Сизларга соғлик-омонлик, бахт ва омад, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, дастурхонингизга файзу барака тилаймиз.*



НАВРЎЗ байрамингиз қутлуғ бўлсин

Янги лойиҳалар

# ЮРТИМНИ ОБОД ЭТАМАН

**«Камолот» ЁИҲ шаҳар бўлими ташаббуси билан «Юртимни обод этаман» лойиҳаси амалга ошириб келинмоқда. Бундан мақсад — маҳаллаларда, зиёратгоҳларда ободончилик ишлари олиб бориш, шунингдек боқувчисини йўқотган қарияларга уй юмушларида ёрдам бериш, шу тариқа ёшларни эзгуликка чорлаш, табиатга бўлган меҳрини кучайтиришдир.**

Мазкур лойиҳа «Ҳашар — ёшларга ярашар», «Яхшидан боғ қолур» каби йўналишлардан иборат бўлиб, ота-боболаримиздан бизгача сақланиб келаётган кўчат экиб, боғ яратишдек миллий анъаналаримизни давом эттириш, шаҳримизнинг кўркига кўрк бағишлаш борасида саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Фермер хўжаликларида меҳнат қилаётган ёшлар учун дам олиш жойларини барпо қилиш, манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экиб, «Фермер ёшлари» боғларини яратишга кўмак бериш ҳам кўзда тутилган.

«Наврўз — меҳр-мурувват байрами» шиори остида кўклам ойлари давомида ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, инсонийлик, ватанпарварлик, ўзгалар ҳимоясига муҳтож кишиларга нисбатан меҳр-оқибат ва раҳмдиллик туйғуларини шакллантиришга доир тадбирлар амалга оширилади.

«Камолот» ҳаракати фаоллари Наврўз айёми кунларида ушбу лойиҳада фаол иштирок этиб, маҳаллалар, кўча ва йўллар ободлиги, кўнгилларга шоду хуррамлик улашиш иштиёқида меҳнат қилиб, хайрли мақсад йўлида интилмоқдалар.

**Муҳайё ТЎЛАГАНОВА**

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Украина шоири ва рассоми, мутаффакири, буюк қўбизчи Тарас Шевченкога бағишланган адабий-бадиий кеча уюштирилди.**

# КУТУБХОНАДА АДАБИЙ-БАДИИЙ КЕЧА

Шуни айтиш керакки, Тарас Шевченко янги Украина адабиётига асос солган. Украин тилининг миллий адабий тил сифатида шаклланиши ва камол топишида ҳам унинг ижоди катта роль ўйнаган.

Кутубхона ёшлар ресурс маркази томонидан ташкил қилинган «Ва ерда ҳақиқат бўлажак» мавзусидаги китоб, расмлар кўргазмасидан шоир чизган расмлар нусхалари, ўзбек тилига ва жаҳондаги бошқа тилларга таржима қилинган «Катерина», «Марина», «Гайдамаклар», «Гули» ва бошқа асарлари ўрин олди.

Украинада хизмат кўрсатган артист З.Соловей, «Лаванда» фольклор ансамбли ва 110-мактаб ўқувчиларининг чиқишлари тадбирга ўзгача файз бағишлади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

ШҲТ ва АСЕАН:

# УЙҒУН МАНФААТЛАР ЙЎЛИДА

**2001 йилда ташкил топган Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) бугунги кунга келиб дунёдаги энг нуфузли тузилмалардан бирига айланди. Фикримизга ҳозирги вақтда минтақавий хусусиятга эга бўлган қатор масалаларни ШҲТнинг иштирокисиз самарали ҳал этиш мумкин эмаслиги ҳам мисол бўла олади.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, "ШҲТ, тарих ўлчовида қисқа бўлган ўтган давр мобайнида нафақат ўзининг ҳаётийлигини кўрсатди, балки, жаҳон сиёсий майдонида сиёсат ва хавфсизликдан тортиб то иқтисодий ва гуманитар масалаларгача бўлган минтақавий муаммоларнинг бутун бир мажмуини бартараф этиш бўйича халқаро форум сифатидаги ўрнини мустаҳкамлади".

ШҲТ фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан шериклик тармоғини ривожлантиришдан иборат. ШҲТнинг, айниқса, терроризм, радикал экстремизм, сепаратизм, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолияти нафақат минтақавий, балки глобал аҳамият касб этади.

Шу маънода, 2004 йил июнда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган саммитда ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари босқичма-босқич равишда кўп томонли уюшмаларнинг шериклик тармоғини ташкил этиш ишига қўшилиш таклифи билан халқаро ва минтақавий тузилмаларга мурожаат қилганди.

Кўплаб давлатлар ва ташкилотлар, шу жумладан, АСЕАН (Жануби-Шарқий Осиё давлатлари уюшмаси) ҳам ШҲТ билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканини билдирган эди.

Экспертларнинг фикрига кўра, ШҲТ ва АСЕАН ҳамкорлигининг истиқболи, энг аввало, ушбу ташкилотлар кўплаб минтақавий ҳамда глобал муаммолар бўйича бир хил нуқтаи назарни ёқлашида аён бўлади.

2005 йил апрель ойида Жакарта шаҳрида ШҲТ ва АСЕАН котибиятлари ўртасида имзоланган ўзаро англашув тўғрисидаги меморандум ҳамкорлик ва кўп томонлама муносабатларнинг асосий йўналишларини белгилаб берди. Меморандумга кўра, терроризм ҳамда трансмиллий жиноятчиликка, гиёванд моддалар ва қуроллар контрабандаси, ноқонуний тарзда пул чайқовчилиги ва миграция билан шуғулланишга қарши курашиш ишлари истиқболли йўналишлардан этиб белгиланди. Томонлар иқтисодий ва молиявий соҳада, туризм, атроф-муҳит ва табиий заҳиралардан фойдаланиш, энергетика, айниқса, гидроэнергетика ва биоёнилғи йўналишларида ҳамкорлик қилишга келишиб олишди.

Таъкидлаш жоизки, ШҲТ ва АСЕАН ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим ўрин тутувчи йўналишларидан бири минтақавий хавфсизликни таъминлашдан иборатдир. Маълумки, АСЕАН Жануби-Шарқий Осиёда замонавий хавф-хатар ва таҳдидларни муҳокама қилиш ҳамда уларга қарши курашишнинг самарали механизми ўлароқ майдонга чиқади. Ўз навбатида, ШҲТ Осиё-Тинч океани минтақасида хавфсизликнинг жамоавий тизимини барпо этишда муҳим аҳамият касб этади. Минтақада фаолият юритаётган бошқа бирлашган уюшмалар қаторида ШҲТ кўп томонлама ҳамкорлик тизимида муҳим бўғин сифатида бўй кўрсатади.

Экспертлар томонидан таъкидланадики, ШҲТ АСЕАН билан ўз фаолиятидаги энг муҳим соҳалардан бири бўлган терроризмга қарши курашиш йўналишида баъзи ўхшаш ёндашувларга эга. Ушбу икки ташкилот сиёсий, иқтисодий, экологик ва гуманитар ўлчамлардаги ўзаро ўхшаш мақсад ва вазифалар билан бирга, халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқий мақоми, имзоланган низомлар ҳамда асос бўлиб хизмат қиладиган бошқа меъёрий ҳужжатларнинг мавжудлиги каби жиҳатлардан ҳам бири-бирига яқиндир.

ШҲТ ва АСЕАН давлатларини географик яқинлик, Осиё ва Тинч океани минтақасидаги умумий мақсадлар, уюшмаларнинг фаолият маконида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашдаги манфаатдорлик, иқтисодиёт, транспорт, маданият ва туризм каби соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари боғлаб туради.

Сармоявий ёки молиявий ҳамкорликни ўрнатиш, хусусан, глобал инқироз таъсирини бартараф этиш бўйича ахборот алмашишни ҳамда ишбилармон доиралар вакиллари ўртасидаги алоқаларни йўлга қўйиш ва қўшма лойиҳаларнинг амалга оширилиши ўзаро муносабатларнинг фаоллашувига хизмат қилади.

Ҳозирги вақтда ШҲТ ва АСЕАН ўртасидаги ҳамкорлик котибиятлар ўртасида ахборотлар ва тажрибалар алмашиш, экспертлар маслаҳатлашувларини ўтказиш йўли орқали амалга оширилмоқда. 2008 йил ноябрь ойида Пекин шаҳрида ШҲТ ва АСЕАН бош котиблари даражасидаги учрашув бўлиб ўтди. Мазкур учрашув чоғида меморандум асосидаги мунтазам алоқаларни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳар икки томоннинг азму шижоати ўз тасдиғини топди.

**«Жаҳон» АА**

# ТАРБИЯ ТАНАФФУС БИЛМАЙДИ




## Ғунча ва шамол

Қайсидир мультфильмда ажабтовур оҳанг болаларни эргаштирганлиги ифодаланган. Худди шу каби ёвуз мақсадлар ҳам ҳамиша мурғак қалб қизиқишига мос шакллар билан ниқобланади. Айтайлик, баҳор эпкини туфайли дарахт ғунчалари чангланиб, мева тугади. Бироқ ўша шамол сал қаттиқроқ эсса, ғунчаларни узиб ташлайди – дарахтни мевасиз қолдиради. Шу сингари бугунги барча ўйинчоқ, мультфильм ва компьютер ўйинларини ҳам болалар учун мўлжалланган ва эзгулик билан йўғрилган, деб бўлмайди. Улар орасида она алласи билан кирган миллий руҳни емириш, фарзандни ота-онага, укани акага қарши қўйишдек хуфиёна мақсадлар сингдирилгани ҳам йўқ эмас. Чунки босқинчиликни ялов қилиб кўтарганлар ҳар доим сопини ўзидан чиқаришга уринади.

Мутахассислар таъкидлашича, гўдак она вужудидаёқ маълум даражада ташқи муҳит таъсирида бўлар экан. Бу жараёнда онанинг қандай ният қилиши, қанақа асарлар ўқиши, қанақа мусиқа тинглаши, қандай кино кўриши чақалоқ ривожланишига ижобий ё салбий таъсир кўрсатади.

Шу маънода, жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Эътибор бергандирсиз: мамлакатимиз шаъни учун майдонга чиққан спортчилар ғалаба қозонганда одамлар барча ташвишларини унутади. Бу наинки дахлдорлик туйғуси, балки фахр ва ғururнинг ёрқин ифодасидир.

Фарзанднинг «тили чиқиши» оилада ўзига хос байрамга айланади. Бироқ собиқ тузум даврида ўз исмидан уялиш «мода» бўлгани учун ҳам Гулчеҳралар «Гуличка», Нуриддинлар «Нурик» бўлиб яшади. Адибларимиздан бирининг таъбири билан айтганда, Клаdensлару Мэлслар – ўтган асрдаги миллий фожианинг бир кўриниши эди. Бу иллат, афсуски, XXI асрга ҳам ўтди. Бугунги «Гуля»га ўзининг Гулираъно эканлигини эслатиш – ўзликни англаш жараёнининг муҳим қисми. Исм одамга кимлигини эслатиб турадиган илоҳий неъмат, миллий ифтихордир.

Бола қалби борлиқни дастлаб товуш-овоз орқали танийди. Она алласи воситасида бола руҳига эзгу тилаклар, улуғ аждодлар ўгити, муносиб ворислик масъулияти жо бўлади. Миллий куйларимиз, достонларимиз, давлатимиз мадҳиясини эшитиб улғайган бола эртага чин ватанпарвар бўлиб етишади. Бироқ бугун айрим ҳолларда дўмбира садосидан кўра барабаннинг «гусур-гусур»и, халқ достонларидан кўра «рэп» намуналари, Алпомишдан кўра «Ўргимчак одам»нинг овози баланд келаётгани ачинарлидир. Кейинги вақтларда оммабоп клипларда шаҳвоний ҳирсни қўзғовчи ҳаракатлар, кимнидир машина уриб кетгани ё отиб ташланганни ҳақидаги бузғунчи кадрлар ҳам акс этмоқда. Улар телеканаллар орқали намойиш этилмагани билан турли дисклару мобиль телефонлар орқали бир зумда тарқалаётганини инкор этиб бўлмайди.

Маърифат ва жаҳолат ўртасидаги азалий кураш бугун одамларнинг онги ва қалбида кечмоқда. Ҳар бир оиладаги бола хонасида «Шашмақом», «Дилхирож» ёки Моцарт, Бетховен мусиқалари янграб турса, фарзанд қалбига «рэп»нинг тумтароқ гижбадабанги эмас, мумтоз санъатнинг асл оҳанглари сингади.

## Учинчи минг йиллик боласи

Мамлакатимизда барча хайрли ишлар ёш авлод келажаги учун амалга оширилмоқда. Билимдон, меҳнатсевар ва иймон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг бойлигидир. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан узлуксиз таълимга асос солиниши нафақат маориф соҳасида, балки халқимиз ҳаётида тараққиёт сари дадил ташланган муҳим қадам бўлди.

Узлуксиз таълимнинг илк босқичи бўлмиш мактабгача таълим жараёни мамлакатимизда «Учинчи минг йилликнинг боласи» таянч дастури воситасида амалга оширилмоқда. Бу дастур болаларни миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида жисмонан, ақлан ва маънан баркамол авлод этиб тарбиялашга йўналтирилган.

Мактабгача таълим жараёнида болага жисмоний машқлар, ақлий билим ва маънавият сабоқлари ёшига мувофиқ тарзда ўргатилмоқда. Бу таянч дастур бўйича чоп этилган ижодий асарлар тўплами муҳим қўлланма бўлмоқда. Тўпламдаги ўзбек ва жаҳон халқлари эртаклари, шеърлар, масаллар, ривоят ва ҳикоялар мазмундорлиги, миллий ва умуминсоний мезонларга таяниши билан қадрлидир. Лекин ундан жой олган айрим ҳикоя, эртак ва шеърлар камчиликлардан ҳам холи эмас.

Зеро, учинчи минг йилликнинг боласига мўлжалланган тўплам мультфильму компьютер ўйинлари билан рақобатлаша оладиган даражада бўлмоғи лозим.

## Биздан кўра бахтли болалар

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги «Камол авлод» мактабгача ва бошланғич таълим мажмуасида 3-7 ёшли болалар тарбияланса, 7-11 ёшлилари бошланғич таълимни шу даргоҳда олади. Уларга «Учинчи минг йилликнинг боласи» таянч дастури асосида энг илғор педагогик усуллар билан таълим-тарбия берилмоқда.

– Асосий мақсадимиз – болаларни миллий ва умуминсоний қадриятлар билан уйғун ҳолда тарбиялаш, – дейди таълим мажмуаси раҳбари Маъмура Комилова. – Улар зерикиб қолмаслиги, эртага ҳам қизиқиш билан боғчага келиши учун тарбиячида янги қараш, янги гап, янги услуб бўлиши керак. Шунинг учун «Мозийдан сабоқлар», «Табиат билан танишув», «Миллий рамзлар» каби дарсларимизни имкон қадар халқона мисоллар билан ўтишга ҳаракат қилаяпмиз.

Мустақилликдан олдин боғчалардаги тарбия тизимига ҳукмрон мафкура сингдирилган эди. Истиқлолга эришганимиздан сўнг, мактабгача таълим тизимида ҳам миллий тикланиш жараёни бошланди. Бугунги кунда эса мурғак қалбларни миллий қадриятларимизга қарши қилиб қўядиган «оммавий маданият» таҳдиди мавжуд. Фарзанд қалбида эзгу туйғуларни асраб қолиш учун муттасил кураш олиб бормас эканмиз, кечикамиз. Масалан, ҳар куни тонгда боғчамизда давлатимиз мадҳияси янграйди. Эътибор бераман, ҳамма боланинг қўли ўз-ўзидан чап кўксига боради. Фарзандларимизда миллий мадҳиямизга нисбатан ана шундай катта ҳурмат пайдо бўлди.

Боғчамизга ўзимиз эккан икки туп анор ҳосилини тераётиб, болаларга, ёшига қараб, анор ҳақида шеърлар ёдлаш, ривоятлар ўқиш, рефератлар тайёрлаш ҳақида топшириқлар бердик. Биласизми, тадбиримиз ўзига хос «Анор сайли»га айланиб кетди. Бу ҳам бир педагогик усул-да...

– Ҳаммаси тарбиячининг маҳоратига боғлиқ, – дея суҳбатга қўшилади шу даргоҳда йигирма йилдан буён психолог бўлиб ишлаётган Светлана Абдуллаева. – Масалан, тарихий ривоятлар «Чўли ироқ» ёки «Дилхирож», замонавий эртаклар эса ўзига мос мусиқа жўрлигида ҳикоя қилинса, болага кучли таъсир кўрсатади. Бугун энг асосий муаммо, оила ва боғчадаги муҳитнинг ягона эмаслигида. Тарбиячидан эшитган эртагидан ҳаяжонланиб уйига кириб борган боладан оддийгина табассум ёки ярим соат вақт қизғанилса, маънавий узилиш юзага келиши табиий. Қийноқ ва азоб лавҳалари акс этган фильмлар, компьютер ўйинлари, қийқириқ мусиқалар бола руҳиятида безовталик, асабийлик, тушкунлик сингари ҳолатларни келтириб чиқаради.

«Камол авлод» мактабгача ва бошланғич таълим мажмуасидаги болалар билан гаплашдик. Дарҳақиқат, улар интеллектуал асрда камолга етмоқда. Ҳар бирида келажакдаги касби, ҳаёти ҳақида муайян тасаввур, мақсад бор. Ҳа, бугунги буваларнинг «сенга ҳавасим келади, неварам» деган гапида теран ҳаёт ҳақиқати мужассам. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт.

## Ўйинчоқ эрмак эмас

Тарбия жараёнида қўғирчоқларнинг роли беқиёс. Аммо болага ҳар куни янги мазмун берадиган қиёфа керак. Бугунги персонажлар эса кам, устига-устак аксарияти эски. Ўша-ўша чол ва кампир, ўша-ўша ним табассумли – «яхши» ва оғзи-бурни қийшайган – «ёмон» қиз...

Ўйинчоқлар сотиладиган расталарда эса боланинг тасаввур ва тафаккурини чалғитадиган қўғирчоқлар талайгина. Қизлар учун «Beautiful girl» («Соҳибжамол қиз»), «Vogue girl» («Қизлар модаси») сингари номлар остида ярим яланғоч қизчалар, «Sweet» («Ширин») сериясида эса пардоз-андоз буюмлари; ўғил болакайлар учун «Wristler» («Курашчи»), «Combatant» («Жангчи»), «Turtles» («Тошбақалар»), «Dragon ballo» («Аждар нафаси»), «Impact» («Зарба») серияларида оғзи-бурни ваҳшиёна иржайган ғайритабиий махлуқлар, «Wiser berserker» («Ақлли довдираш») сингари темир қутилардаги роботлар сони кундан-кун кўпайиб бораётир.

Бундан ярим аср муқаддам АҚШнинг Висконсин штатида Рут Хандлер «Барбара Миллисент Робертс» – «Барби» исмли қўғирчоқни «дунёга келтирди». Асосан 3-12 ёшли қизалоқларга мўлжалланган, балоғатлик белгилари бўрттириб ишланган, ярим яланғоч кийинтирилган «Барби»лар «Mattel» фирмаси (АҚШ) эмблемаси остида 150 мамлакатга жўнатилди. Оқибатда америкалик Синди Жексон исмли аёл «Барби»га ўхшаш учун 29 маротаба пластик операция столига ётди. Ғарбдаги айрим мамлакатларда ҳатто президентликка номзод баъзи шахслар «Барби»дан ўз карьерасида фойдаланди. Бироқ бугун «Барби»нинг болалар психологиясидаги салбий реакцияси ва ғайриахлоқий «фазилатлар»ини кўпчилик англаб етди.

Бугун фарзандларимиз тасаввурида ярим яланғоч «Барби»-ю «Лилия», ғайритабиий «Ўргимчак одам»-у «Ниндзя-тошбақа»ларга ўрин қолмаслиги учун Алпомиш ва Барчиной, Тўмарис ва Широқ сингари миллий қаҳрамонларимизнинг кўмаги жуда зарур. Зеро, ўйинчоқлар образи боланинг мурғак тасаввурига бамисоли тошга ўйилган нақшдек муҳрланади. Гўдак улғайгач қайси йўлни танлаши ҳам кўп жиҳатдан унинг болаликда қандай ўйинчоқлар билан ошно бўлганига боғлиқ.

Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида ўйинчоқ ва қўғирчоқларга тарихимизнинг ибратли қаҳрамонлари, халқимизнинг бой ва бетакрор эстетик дунёсини акс эттирадиган персонажлар, миллий қадриятларимиз асос қилиб олинса, мақсадга мувофиқ бўлур эди, деб алоҳида таъкидлаган. Ҳақиқатан ҳам, шундай ўйинчоқлар йиғмаси борки, улар жамланса, хориждаги бирор-бир шаҳар намоён бўлади. Шу сингари Регистон ёки Мустақиллик майдони акс эттирилган миллий ўйинчоқлар тизмаси олис қишлоқдаги болада ўз Ватани, миллати ва аждодларига бўлган ҳурматни янада мустаҳкамлайди. Қолаверса, бу борада, миллий ўйинчоқлар ясаш лойиҳалари бўйича республика кўрик-танловлари ва ярмаркаларнинг ташкил этилиши ҳам халқ амалий санъати усталари билан мактабгача таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликнинг янада кучайишига хизмат қилган бўларди.

...Улуғ аждодларимиздан мерос муқаддас йўлни муносиб давом эттириш учун чопон кийиб, белбоғ боғлаш-у чойхонада палов дамлашнинг ўзи кифоя қилмайди. Ўзбек феноменида асрлар оша яшаб келаётган ор-номус, меҳр-оқибат, уят-андиша – буларнинг барчаси ўзининг олдида жавоб бериш масъулиятидир. Ҳар бир бола тийнатида эса ўша улуғ қадриятлар суяк суриши табиий. Фақат уни англаш, шакллантириш, камолга етказиш керак, холос.

**Умид ЁҚУБОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

# ИШБИЛАРМОНЛАР МУЛОҚОТИ

**Халқаро ҳамкорлик марказида 23 март куни Ўзбекистон ва Уммон ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлди.**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Уммон Султонлиги Савдо ва саноат вазирлиги ташкил этган ушбу тадбир мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш, ўзаро манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалаларига бағишланди. Форумда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, саноат, нефть-газ, молия, қурилиш, машинасозлик, қишлоқ ва сув хўжалиги, геология, озиқ-овқат, кимё саноати, фармацевтика, мебелсозлик, ахборот технологиялари, сайёҳлик соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари Н.Нажимов мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик жадал ривожланаётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Президент Ислом Каримовнинг 2009 йил октябрда Уммонга давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни янги босқичга олиб чиқди, ҳамкорликни янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратди.

Иқтисодий ҳамкорликнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилган. Жумладан, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик, инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларни тўлашдан бош тортишни бартараф этиш тўғрисида ҳукуматлараро битимлар имзоланган.

Форумда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳажми мунтазам ўсиб бораётгани, бунда юртимиздаги барқарорлик муҳим омил бўлаётгани қайд этилди. Уммон ишбилармонларига мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари, Ўзбекистоннинг ёқилғи-энергетика мажмуи, транспорт коммуникациялари, автомобилсозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, ахборот технологиялари, сайёҳлик, қишлоқ хўжалиги каби соҳалардаги салоҳияти ҳамда "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасидаги қулайлик ва имтиёзлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Меҳмонлар юртимизда давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётни ривожлантириш ва модернизациялаш мақсадида олиб борилаётган ислоҳотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттириш борасидаги янгиликлар ва ўзгаришларга юксак баҳо бердилар.

— Ўзбекистон билан Уммоннинг иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантириш учун улкан имкониятлар мавжуд, — деди ЎзА мухбирига «OITE-Oman International trade & exhibitions» компанияси раҳбари Аҳмад Салоҳ Баабуд. — Ўзбекистонда тадбиркорларнинг эркин ва фаол иш юритиши учун барча зарур шарт-шароит яратилган. Бу савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмокда. Ўзбекистон билан ҳамкорликда икки томон учун ҳам манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ниятидамиз.

Таъкидлаш жоизки, анжуманда Уммоннинг йирик компанияларидан кўплаб вакиллар иштирок этди. Бу Уммонда Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиш нечоғли катта эканидан далолатдир.

Шу куни Ўзбекистоннинг қатор компаниялари ва Уммон ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди.

Ўзбекистон билан Уммон султонлиги ўртасида нефть-газ ва кимё соҳаларида ҳамкорликка оид қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ташриф доирасида Уммон делегацияси мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида бўлиб, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан музокаралар ўтказди.

**Мадина УМАРОВА**

# ЁШ АВЛОД КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги маърузасида биз танлаган тараққиёт йўлининг таркибий қисмига, аниқроқ айтадиган бўлсак, келажагимизнинг мустаҳкам пойдеворига айланиб бораётган таълим соҳасидаги буюк дастурларимизни ўз вақтида, узоқни кўзлаб ишлаб чиққанимиз ва амалга оширганимиз нақадар тўғри бўлганини бугун мамлакатимиз эришган юксак марра ва натижалар яққол намоён этмоқда, деб таъкидлади.**

Шу муносабат билан ўқув-тарбия жараёнини янада такомиллаштириш, хусусан, давлат таълим стандартларини амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар талабларига мувофиқ аниқ мақсадни кўзлаб янгилаш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилиб, 23 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ўтказилган "Давлат таълим стандартларини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари" мавзуидаги конференцияда мана шу ва бошқа муҳим масалалар устида сўз юритилди.

Конференцияда мустақиллик йилларида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш доирасида амалга оширилаётган ислоҳот таълимни жаҳон стандартлари даражасига кўтариш имконини берганлиги кўрсатиб ўтилди.

1998 йил 5 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан "Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида"ги қарорнинг қабул қилиниши бу йўналишдаги муҳим босқич бўлди. Қабул қилинган Қарорнинг мақсади таълим мазмунини тубдан ислоҳ қилиш, тайёрланаётган кадрларнинг сифати мамлакатимизда амалга оширилаётган чуқур иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар талабларига, шунингдек, таълим, фан, техника ва технологияларнинг дунёдаги илғор ривожланиш даражасига мос бўлишини таъминлашдан иборатдир.

Ушбу норматив ҳужжатга мувофиқ янги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари ишлаб чиқилди, таълимнинг ҳар бир алоҳида босқичи учун тайёргарлик сифатига ва таълим мазмунига қўйиладиган талаблар белгиланди. Бир қатор фанлар бўйича таълим стандартлари ва ўқув дастурларини модернизация қилиш мақсадида умумтаълим мактаблари учун тажриба тариқасида ўқув режалари ва дастурлари ишлаб чиқилди, уларни синаш борасидаги ишлар босқичма-босқич амалга оширилди. Умуман олганда, 2004–2009 йиллар мобайнида 224 та йўналиш бўйича такомиллаштирилган давлат таълим стандартлари ва модернизация қилинган ўқув дастурлари синфлар, ўқитиш тиллари ва ўқув фанлари бўйича синовдан ўтказилди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг саккизта билим соҳаси бўйича 677 та касбни ўз ичига оладиган 242 та мутахассислик юзасидан 95 та тайёрлов йўналиши жорий этилди.

Бакалавриатнинг 269 та йўналиши ва магистратуранинг 845 та мутахассислиги бўйича давлат таълим стандартлари такомиллаштирилди. Масалан, тиббиёт ва фармацевтика олий ўқув юртлари учун бакалавриатнинг 11 йўналиши ва магистратуранинг 55 йўналиши бўйича такомиллаштирилган давлат таълим стандартлари ҳамда намунавий ўқув режалари ишлаб чиқилди. Мамлакат вазирликлари ва идораларининг бошқа олий ўқув юртларида ҳам шу соҳада иш олиб борилмоқда.

Конференция қатнашчилари тўпланган тажрибани ҳисобга олиб ва ривожланган мамлакатларнинг илғор ютуқларини ўрганиб, давлат таълим стандартларини янада такомиллаштириш, шунингдек, таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, илғор замонавий таълим ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасидаги аниқ мақсадга қаратилган ишни давом эттириш алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб ўтдилар.

Шу билан бирга, типовой ўқув режаларини давлат таълим стандартларига мослаштириш, ўқув фанларини, таълим дастурларини, ўқув соатларининг ҳажмини оптималлаштириш масалалари устувор йўналишлар эканлиги ҳам таъкидланди.

Таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идораларнинг, илмий-тадқиқот институтларининг, марказлар, корхоналар ва ташкилотларнинг тайёрлов йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича таълим дастурларини экспертизадан ўтказиш масалаларида ўзаро ҳамкорлик қилиши муҳим аҳамиятга эга.

Масалани муҳокама қилиш асносида конференция қатнашчилари давлат таълим стандартларини такомиллаштиришнинг, бу йўлдаги мавжуд тўсиқларни бартараф этишнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашдилар ҳамда ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Муҳокама якунлари бўйича конференция қатнашчилари тегишли тавсиялар қабул қилдилар.

Конференция ишида сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар вазирликларининг раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази раҳбарлари, халқ депутатлари Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар Кенгашлари тегишли доимий комиссияларининг раислари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг раҳбарлари ва олимлари, А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти ҳамда Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизими раҳбар кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтининг тингловчилари, илмий-тадқиқот муассасалари, Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, "Ўзстандарт" агентлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

**(ЎзА)**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Ота-онам вафотидан кейин биз фарзандларга уларнинг мол-мулки мерос бўлиб қолди. Улардан қолган меросда эса ҳар биримизнинг ўз улушимиз бор экан. Улушли мулкдаги мол-мулкни тақсимлаш ва ундан улуш ажратиш ҳақида тушунча берсангиз.**

**Д.Ҳайдарова,**
**Чилонзор тумани**

Улушли мулкдаги мол-мулк иштирокчиси ўз улушини умумий мол-мулкдан ажратиб беришни талаб қилишга ҳақли. Мулк иштирокчилари умумий мол-мулкни тақсимлаш ёки улардан бирининг улушини ажратиш усули ва шартлари тўғрисида келишувга эриша олмасалар, улушли мулк иштирокчиси ўз улушини асл ҳолида ажратиб беришни суд орқали талаб қилиши мумкин.

Агар улушни асл ҳолида ажратиб олишга қонун йўл қўймаса ёки уни умумий мулк бўлган мол-мулкка номутаносиб зарар етказмасдан ажратиб олиш мумкин бўлмаса, ажралиб чиқаётган мулкдор улушли мулкнинг бошқа иштирокчилари томонидан улушининг қиймати тўланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Ушбу модда асосида улушли мулк иштирокчисига асл ҳолида ажратиб берилаётган мол-мулкнинг унинг мулк ҳуқуқидаги улушига номутаносиблиги тегишли пул суммасини тўлаш ёки бошқача компенсация тўлаш йўли билан бартараф этилади.

Улушли мулк иштирокчисига унинг улушини асл ҳолида ажратиб бериш ўрнига бошқа мулкдорлар томонидан компенсация тўланишига иштирокчининг розилиги билан йўл қўйилади. Мулкдорнинг улуши арзимас бўлган, амалда ажратиб берилиши мумкин бўлмаган ва у умумий мол-мулкдан фойдаланишдан катта манфаатга эга бўлмаган ҳолларда суд ушбу мулкдор розилик бермаган тақдирда ҳам улушли мулкнинг қолган иштирокчилари зиммасига мазкур мулкдорга компенсация тўлаш мажбуриятини юклаши мумкин.

Ушбу моддага мувофиқ мулкдор компенсация олганидан кейин умумий мол-мулкдаги улушига бўлган ҳуқуқини йўқотади.

**Омина ОЧИЛОВА,**
**Зулайҳо ИБРАГИМОВА,**
**Икром ИСМОИЛОВ,**
**хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар**

* * *

**Кўп ҳолларда кўчмас мулк ёки бошқа қимматли ашёларни гаровга қўйилганлигини эшитамиз. Гаров тушунчаси ва унинг вужудга келиши асослари ҳақида маълумот берсангиз.**

**Маҳмуд БОБОЕВ,**
**Бектемир тумани**

Бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни, мажбуриятларни таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланади.

Гаровга кўра қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни бажармаган тақдирда кредитор (гаров олувчи) бу мажбурият бўйича ўз талаби гарови қўйилган мол-мулкнинг қийматидан ушбу мол-мулк эгаси бўлган шахс (гаровга қўювчи)нинг бошқа кредиторларига қараганда имтиёзли суратда қаноатлантирилишига, қонунда белгилаб қўйилган чегиришлардан кейин, ҳақли бўлади.

Гаровга олувчи гаровга қўйилган мол-мулкни йўқотганлик ёки унга зиён етказмаслик учун суғурта ҳақидан, бу мол-мулк кимнинг фойдасига суғурта қилинган бўлишидан қатъи назар, ўз талаби юқоридаги асосларда қаноатлантирилишига ҳақлидир.

Гаров шартнома ёки қонун асосида амалда юзага келади.

Гаров закалат, ипотека, шунингдек, ҳуқуқлар гарови тарзида амал қилиши мумкин.

Гаровга қўйиладиган мулк гаровга қўйювчи томонидан гаровга олувчига ўтказилганда гаров закалат деб ҳисобланади.

Кўчмас мулкни гаровга қўйиш ипотека ҳисобланади.

**Мамлакат АМИРОВА,**
**Раънохон ЖАМОЛОВА,**
**хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар**

**Фармон ва ижро**

# МИКРОКРЕДИТЛАР — КИЧИК БИЗНЕС РИВОЖИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида банк-молия тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди.**

"Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки акциядорларининг умумий йиғилишида мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилди, банкнинг даромади сезиларли даражада ортиб, мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётгани қайд этилди.

Ҳозирги кунда 30 мингдан ортиқ акциядорга ва 170 минг мижозга эга «Микрокредитбанк» 80 дан зиёд филиали, 280 минибанки ва 22 агентлиги орқали аҳолига кўплаб турдаги банк хизматлари кўрсатмоқда.

"Микрокредитбанк" бошқаруви раиси Ж.Сайфиддиновнинг таъкидлашича, банк томонидан 2009 йилда тадбиркорлик субъектларига 140 миллиард сўмлик кредит ажратилган. Ана шундай молиявий ёрдамлар туфайли 88 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 10 ноябрда қабул қилинган "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони банкнинг тадбиркорларга имтиёзли кредит бериш имкониятларини янада кенгайтиришида муҳим омил бўлмоқда. Мазкур ҳужжатга биноан банкнинг капиталлашув даражаси янада оширилиб, устав жамғармаси кўпайтирилди, микросармояларнинг фоизлари камайтирилди.

Банк якка тартибдаги тадбиркорлар меҳнатини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратаётгани туфайли ўтган йили беш минг нафарга яқин тадбиркор бошланғич сармоя билан таъминланди. Шунингдек, меҳнат фаолиятини энди бошлаётган 4 минг 450 нафар хотин-қизга имтиёзли кредитлар ажратилди.

Мамлакатимизда банклар ўртасида соғлом рақобатнинг кучайиши уларни ўз мижозлари учун янгидан-янги қулайликларни тезкор жорий этишга ундайди. Хусусан, банк кўрсатаётган имтиёзли микролизинг хизмати ишбилармонларнинг зарур техника воситаларига эга бўлиши учун кенг имкониятлар яратмоқда. Жумладан, ўтган йили банк "Uzbekistan Agrominitech Expo" кўргазмасида 50 дан зиёд фермер хўжалигига микролизинг хизмати кўрсатиш мақсадда 1,3 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратди.

Амалга оширилган тизимли чора-тадбирлар самарасида банкнинг халқаро миқёсда эътибори ортиб бораётир. Хусусан, банкнинг 2009 йилдаги фаолиятига Халқаро "Fitch Ratings" компанияси ҳамда "Mix-Market" рейтинг агентлигининг узоқ муддатли барқарор истиқболга эга рейтинги берилди.

"Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки акциядорларининг умумий йиғилишида мамлакатимизда бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолига кўрсатилаётган банк хизмати турларини янада кўпайтириш ва сифатини яхшилаш борасидаги ишлар кўламини кенгайтиришга доир вазифалар белгилаб олинди.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири**

**Ёшлар ижод саройида «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази томонидан ташкил этилган иқтидорли ёшларнинг инновацион лойиҳалари ва ишланмаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда амалиётга татбиқ этиш бўйича давра суҳбати бўлиб ўтди, деб хабар беради «Туркистон-пресс».**

# ЁШЛАР ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Давлат патент идораси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда "Келажак овози" республика танлови ғолиблари — ёш тадқиқотчилар ва ихтирочилар иштирок этди.

Давра суҳбатида яқинда бўлиб ўтган инновацион ғоялар ва технологиялар ярмаркаси натижалари муҳокама қилинди. Мазкур ярмаркада "Келажак овози" танлови ғолиблари бир қатор қизиқарли лойиҳалар билан қатнашди. Улар орасидан Шаҳло Сатторова, Эркин Жўраев, Жавлон Қаюмовларни алоҳида таъкидлаш мумкин.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги кўмагида Лочинбек Нурмаматовнинг лойиҳасини амалиётга татбиқ этиш режалаштирилди. Лочинбек бутун республика бўйлаб кар-соқовлар марказида фойдаланиладиган "Daktil" дастурини ишлаб чиқди. «Келажак овози» танловининг яна бир ғолиби Холида Олимжонованинг умумтаълим мактаблари бошланғич синфларида фойдаланиш учун мўлжалланган мульти-тест дастурига Халқ таълими вазирлиги қизиқиш билдирди.

Давра суҳбати якунида иқтидорли ёшларнинг ўн нафарига Давлат патент идораси томонидан патентлар топширилди.

**Эргаш ХЎЖАЕВ**

# ТАДБИРКОРЛАР ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА

**Бугунги кунда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг амалда тўғри ва тўлиқ ижро этилиши юзасидан мутасадди ташкилотлар томонидан тегишли ишлар олиб борилмоқда.**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан Адлия вазирлиги тизимида ҳам тадбиркорлик субъектлари ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган учрашувлар, давра суҳбатлари ва семинарлар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Шундай тадбирлардан бири Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги Яккасарой академик лицейида ўтказилди.

— Албатта, тадбиркорлар қаторида ушбу долзарб масалага бўлажак мутахассислик эгаларининг эътиборини ҳам жалб этишимизда асос бор, — деди вазирлик ахборот хизмати раҳбари Тўрабек Тўраев. — Қайси соҳа вакили бўлмасин, ёшларимиз авваламбор ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши билишлари лозим. Умуман олганда, хусусан, тадбиркорлик бобида қандай қонунлар ёки меъёрий ҳужжатлар мавжудлиги, улардан тўғри фойдаланишдан кўпчилик воқиф бўлса, фойдадан холи эмас. Қувонарлиси, бундай ҳамкорликдаги учрашувлар давомида ёшлар фаол қатнашади, ўзларини қизиқтирган саволларига мутасаддилар томонидан батафсил жавоб олишга эришади.

Учрашувда тадбиркорлик билан шуғулланиш учун барча шарт-шароитлар яратилгани, тадбиркорлик субъектлари манфаатларини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётгани хусусида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Таъкидланганидек, вазирлик ва унинг ҳудудий бўлимларида ойда бир марта тадбиркорлар учун «Очиқ эшиклар куни» ташкил этилган бўлиб, бундан ташқари, доимий равишда «ишонч телефон»лари ҳам йўлга қўйилган. Тадбир давомида тадбиркорлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар муҳокама қилиниб, бу борада ечим талаб масалалар вазиятдан келиб чиққан ҳолда ижобий ҳал этилишига келишиб олинди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**




№ 1 (202) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

# СУВНИНГ МУСАФФОЛИГИНИ САҚЛАШ — БАРЧАМИЗНИНГ ВАЗИФАМИЗ

**Сайёрамизда дарё ва кўл сувлари бир текис тақсимланмаган ва айрим ҳудудлар сув тез тугайдиган ҳамда жуда секин тикланадиган ресурс ҳисобланади. Ҳозирги вақтда дунё аҳолисидан 800 миллиондан ортиқ киши сув етишмаслиги шароитида яшайди ва 60 фоиздан ортиқ аҳоли сифатли ичимлик суви билан таъминланмаган.**

Бугунги кунда ер юзида сув етишмаслигининг асосий сабаблари мавжуд чучук сув манбаларининг минтақалар ва айрим мамлакатлар бўйича нотекис тақсимланиши ва қишлоқ хўжалиги, саноат корхоналарида сувдан ноокилона фойдаланиш натижасидадир.

Сувларнинг саноат ва маиший чиқиндилар билан ифлосланиши ҳам сув етишмаслигининг сабабларидан биридир. Сувларни ифлословчи асосий манбаларга саноат корхоналари ва маиший хўжаликдан чиқадиган оқава сувлар; нефтни қайта ишлаш корхоналаридан чиқадиган ишлатилган сувлар; транспортнинг ташланма сувлари; шаҳарлардан ҳамда кимёвий воситалар ишлатилган далалардан оқиб чиққан сувлар; касалхоналар ва чорвачилик комплексларидан ташқарига чиқариладиган тозаланмаган сувлар ва бошқалар киради.

Нефть ва нефть маҳсулотлари, сунъий ювиш воситалари, феноллар, пестицидлар, рангли металлар, мураккаб кимёвий воситалар сувни ифлословчи асосий бирикмалар ҳисобланади. Бактериал ва биологик ифлослатувчилар асосан маиший оқава сувларда мавжуддир ва ўз навбатида ташланган чиқиндилар сувдаги эриган кислородни кўплаб исроф қилади ва бу ўз навбатида сув ўтлари ва ҳайвонларига салбий таъсир кўрсатади.

Сайёрамизда сувларнинг ифлосланиши натижасида ҳар йили 500 миллиондан ортиқ киши турли оғир хасталикларга чалинади. Сувларнинг етишмовчилиги шароитида улардан оқилона фойдаланиш ва оқава сувларни тозалаб, қайта ишлатишни таъминлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Оқава сувларни механик, кимёвий ва биологик тозалаш усуллари мавжуддир. Механик усулда сувлар минерал ва органик моддалардан тозаланади. Кимёвий усулда оқава сувларга турли кимёвий бирикмалар қўшилиб, зарарли моддалар билан реакцияга киритилиб (чиқиндилар чўкма ҳолига туширилади) тозаланади. Биологик тозалаш услуби қўлланилганда органик ифлословчилар, бактериялар ва микроорганизмлар ёрдамида минерализация қилинади. Биологик тозалаш суғориш майдонлари, биологик ҳовузларда амалга оширилади. Биологик тозалашдан сўнг, сув хлор ёрдамида дезинфекция қилинади ва ундаги ҳамма бактериялар нобуд бўлади.

Курраи заминимиз аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлашда ер ости сувларининг аҳамияти каттадир. Турли мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда грунт сувлари, артезиан сувлари ва минерал сувлар катта миқдорда ичимлик суви сифатида ишлатилади. Минерал сувлар чиққан жойларда махсус шифохоналар қурилади. Ҳозирги кунда ер ости сувларининг тартибсиз ишлатилиши, турли манбалар таъсирида ифлосланиши ошиб бормоқда.

Ичимлик сувларнинг бебаҳо манбаи ҳисобланмиш ер ости сувларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш энг муҳим экологик муаммолардан биридир.

Тошкент шаҳри ҳудудидан оқиб ўтувчи каналлардан Бўзсув, Анҳор, Салор, Қорасув, Дамачи, Кайковус, Найман кабилар пойтахтимиз микроиқлимини сақлашда катта аҳамиятга эгадир. Бу каналлар шаҳримизнинг деярли барча туманлари ҳудудидан ўтади. Уларнинг сув олиш манбалари эса асосан Чирчиқ дарёси ҳисобланади. Ушбу каналлар бўйларида жойлашган корхоналар, аҳоли яшайдиган маҳаллалар очиқ сув манбаларига турлича таъсир ўтказадилар. Улар орасида тоза сув ҳавзаларига чиқинди оқава сув ташлайдиган корхоналар, маҳаллаларда эса оқава сувларни тўғридан тўғри тоза сув манбаларига чиқарадиган хонадонлар ҳам йўқ эмас.

Шаҳримиз ҳудудидан оқиб ўтувчи бир қанча каналлар ҳолати Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига қарашли лаборатория ходимлари билан биргаликда жойига чиқиб ўрганилди, текширилди ва ушбу текширилган каналлар икки қирғоқларида корхоналар, маҳаллалар, хусусий хонадонлар жойлашганлиги аниқланди. Ушбу хонадонларнинг ошхоналари, ҳаммомлари, ҳожатхоналари, молхоналаридан чиқадиган кўплаб чиқиндилар тўғридан тўғри шу каналларга ташланади.

Ҳозирги куннинг долзарб муҳим муаммоларидан бири, бу — очиқ сув ҳавзаларида сув муҳофаза зонасини белгилаш, каналлар ва қирғоқларда жойлашган корхона ва хонадонлардан чиқадиган чиқинди оқава сув манбаларини йўқотиш, очиқ сув ҳавзаларимизда оқаётган зилол сувларнинг софлигини сақлашдан иборатдир.

Сувлардаги 1300 дан ортиқ зарарли бирикмаларнинг РЭМ (рухсат этилган меъёр)лари ва корхоналар учун оқаваларни ташлашнинг йўл қўйилган чегаралари белгиланган. Корхоналар сувларни белгиланган лимитдан ортиқча ишлатгани ва оқаваларни ташлашни меъёрдан оширганлиги учун жарима ва бошқа тўловлар тўлайди.

Ўзбекистонда сувдан фойдаланиш махсус қонун асосида амалга оширилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг VII бобида Табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик киритилган бўлиб, шу бобда сувни муҳофаза қилиш тўғрисида бир қанча моддалар мавжуд (72, 74, 75 ва 76-моддалар). Ушбу қонун-қоидаларга ҳар биримиз риоя қилсак, сувни эъзозлаб қадрласак, уни тоза сақлаш чоралари кўрилса, бундай ҳолда келгуси авлодга фаровон ҳаётни қолдирган бўлар эдик.

**Б.ХАТАМОВ,**
**мутахассис**

# ОНА ВАТАН МАНЗАРАЛАРИ

**Ёшлар ижод саройида ташкил этилган кўргазма шундай номланди.**

Умумхалқ байрами — Наврўзга бағишланган кўргазмада рассомлар Алишер ва Азамат Отабоевлар, Дилшод Эшматов, Элмурад Халиқбердиев, Ўктам Саидов, Нодир Аҳмедзянов шунингдек, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари ҳамда рассомчилик йўналишидаги лицей ва коллеж ўқувчиларининг 100 га яқин ижодий ишлари намойиш этилмоқда.

Кўргазмада бу каби маданий тадбирлар ёш авлод тарбиясида муҳим ўрин тутиши, янги истеъдодларни кашф этиш ва қўллаб-қувватлашда катта аҳамият касб этиши таъкидланди. Ёшларни тасвирий санъатга қизиқтириш, уларни турли кўрик-танловларга жалб қилиш, жаҳонга таниқли мўйқалам усталари етишиб чиқишида туртки бўлади.

— Ёрқин бўёқлар орқали рассомлар юртимизнинг бетакрор табиати ва манзараларини тўла-тўкис акс эттиришга эришган, – дейди тадбир иштирокчиси Нодир Азимбоев. – Бундай кўргазмалар ҳар бир ижодкорга юксак ишонч ва қанот бағишлайди, деб ўйлайман. Айниқса баҳор ижодкорлар учун илҳом бағишлайдиган фасл. Бунда турли ёшдаги санъат ихлосмандларининг фикри ва эътибори ижодкор учун катта аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, кўргазмадан ўрин олган асарларга эътибор қаратар экансиз, унда табиатнинг ёрқин ранглари намоён бўлади. Асарлардаги турли ранглар жилолари кишини ўзига жалб қилмай қўймайди. Рассомлар оламни ўзгача тасаввур қилиши, шу боис ҳар бир асар ўзига хос ва бетакрор эканлигига яна бир бор гувоҳ бўласиз.

Кўргазма 2 апрелга қадар давом этади.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,**
**"Туркистон-пресс"**







# ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

**Экологик тарбия табиатни муҳофаза қилиш, ундан оқилона фойдаланиш, экологик шароитларни яхшилашда муҳим роль ўйнайди. Албатта, экологик вазият, табиатдан ўринли фойдаланиш кўп жиҳатдан аҳолининг экологик саводхонлиги, маданиятига ҳам боғлиқдир.**

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш зарурки, ҳозирги кунда бола тарбиясида ота-онанинг эътибори бир оз сустлашгандек кўринади. Катталар фарзандларга эътиборсизликларини кўпинча вақтлари йўқлиги туфайли эканлигини рўкач қилишмоқда. Кундалик ҳаётимизда экологик тарбия оиладан бошланиб, боғчадан олий ўқув юртигача давом этиши керак.

Халқимиз азалдан табиатни севиш, уни ардоқлаш, атроф-муҳитга тўғри муносабатда бўлиш, аждодлар ўгитига риоя қилиб яшашга одатланган. Юқорида таъкидланганидек, экологик тарбия оиладан бошланади. Ўзимиз истиқомат қилган жойимизни озода тутишга одатлансак, атроф-муҳитни асрашда биринчи қадам қўйган бўламиз. Ҳозирги кунга келиб мамлакатимизда экология ва атроф-муҳит муаммоларини ҳал этишга жуда катта аҳамият берилмоқда. Бу борада жаҳон, алоҳида давлатлар миқёсида турли тадбирлар ўтказилмоқда. Ҳар бир соҳа мутахассиси экологияни тушуниши ва ўз кундалик ҳаётида табиатга зарар етказмаслиги, экологик тарбияни ўз оиласидан бошлаши лозимдир.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан табиатни муҳофаза қилиш борасида замонавий қонунчиликни ҳисобга олиб ўқув дастурлари, амалий қўлланмалар ишлаб чиқилди ва барча ўқув муассасаларига етказилди. Мактабларда, олий ўқув юртларида, саноат, ишлаб чиқариш корхоналарида, шунингдек, маданият уйларида табиатшунослик клуби, табиатни муҳофаза қилиш жамиятлари, ўлка музейлари ташкил этилган, уларда она табиатимиз бойликларини кўрсатадиган турли-туман тадбирлар, кечалар ўтказилишининг аҳамияти каттадир. Бундай тадбирларга соҳа мутахассисларини таклиф этиш, қизиқарли суҳбатлар уюштириш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими масканларида «экология» ва «атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» фанлари ўтилмоқда. Бир сўз билан айтганда, келажак авлодларимизга табиатни бекаму кўст етказиб бериш учун қўлдан келган барча хайрли ишлар олиб борилмоқда.

**Ў.ХАТАМОВ,**
**2-тоифали мутахассис**

# «ТОЗА ҲАВО» ТАДБИРЛАРИ САМАРАСИ

**Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни соғломлаштириш ва уни ўз ҳолатида сақлаб туриш инсоният олдидаги долзарб муаммолардан биридир. Чунки табиатнинг бебаҳо бойликларидан, манбаларидан нотўғри фойдаланиш унга нисбатан қўпол, ваҳшийларча муносабатда бўлиш ер куррасида экологик вазиятнинг бузилишига олиб келади, бунинг натижасида кутилмаган табиий офатлар юзага келаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас.**

Бугунги кунда мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий манбалардан фойдаланишнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилишининг боиси ҳам ана шундадир.

Кейинги йилларда ишлаб чиқаришнинг интенсив равишда ривожланиши (бу ҳол ҳамма ривожланган мамлакатларга хос) атмосфера ҳавосининг ифлосланишини тезлатди. Шаҳар ҳавосини ифлослантирувчи манбаларга энергетика, саноат корхоналари, транспорт, маиший чиқиндилар ва бошқалар киради.

Атмосферанинг ифлосланишида автомобиль транспортига биринчи ўрин (90 фоиз) тўғри келади. Атмосферага чиқариладиган зарарли моддалар ҳажми автомобиль двигатели ва ёнилғисига боғлиқ. Бир тонна дизель ёнилғиси ёнганда ҳавога 9 килограмм углерод оксиди чиқарилади. У эса инсон қонидаги қизил шарлар — эритроцитларга таъсир этади, ўз ўрнида уларнинг кислород етказиб бериш қобилияти йўқолади. Натижада организмда кислород етишмайди, бу эса ўз навбатида марказий асаб тизимига таъсир этади, инсон саломатлигига катта зарар келтиради.

Атмосферадаги турли заҳарли газлар ўсимлик ва ҳайвонларга ҳам зарар етказади. Ҳавога чиқаётган чанг, қурум, тутун ва олтингугурт газлари, хлор, углеводород бирикмалари, маргимуш, сурма, фтор ва бошқалар яна ерга қайтиб тушгач, ўсимлик баргларига, тупроқ ва сув орқали ўсимлик илдизига ўтади. Натижада ўсимликларнинг нобуд бўлиши, ҳосилнинг камайиши, фотосинтезнинг ўзгариши кузатилади, ўсимликларнинг ҳавони кислород билан таъминлаш қобилияти пасаяди.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан атмосферани ифлослантирувчи моддалар чиқарилишини камайтириш, ҳаракатдаги автотранспорт воситаларининг соз-носозлигини ўрганиш мақсадида бир йилда 2 маротаба — баҳор ва кузда шаҳар Йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати бошқармаси билан ҳамкорликда «Тоза ҳаво» операцияси ўтказилади. Бунда баҳорги тадбир 10 апрелдан 10 майгача, кузгиси эса 10 сентябрдан 10 октябргача бўлиб ўтади. Бу тадбирда носоз автотранспорт воситалари тўхтатилади. Қонунбузарликка йўл қўйган ҳайдовчиларга нисбатан маъмурий жазо қўлланилади.

Бундан ташқари сўнгги йилларда автомобиль йўлларини кенгайтириш, таъмирлаш, кўприкларнинг қурилиши йўлларда автомобилларнинг тўхтаб тургандаги ва қўзғалаётгандаги вақтни камайтиришга эришилмоқда. Ваҳоланки, тўхтаб турган ва қўзғалаётган автомобиллардан бир неча баравар кўпроқ зарарли газлар чиқади.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси тарғибот-ташвиқот бўлими мутахассислари ҳамда давлат нозирлари автомобиллардан чиқаётган зарарли газлар миқдорини камайтириш, атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш мақсадида туманларда маҳаллалар фаоллари, аҳоли ўртасида, ўқув масканларида, корхона, ташкилот, муассасаларда тарғибот ишларини кучайтириб, давра суҳбатларини ўтказмоқдалар, радио ва телевидение орқали чиқишлар уюштирилмоқда.

Табиатга нисбатан кўр-кўрона ёндашиш, унинг бебаҳо неъматларидан, эҳсонларидан аёвсиз фойдаланиш оғир асоратлар қолдириши мумкин. Бир сўз билан айтганда, табиат — ҳаёт манбаи, уни авайлаб-асраш юртимиз фуқароларининг муқаддас бурчидир.

**Н.ЭРКАЕВА,**
**тарғибот ва ташвиқот бўлими мутахассиси**

## Санъат

# КЕНГ ОММАЛАШГАН ОПЕРА

**Биринчи ўзбек миллий комик операси — «Майсаранинг иши» ёзилганига 50 йил бўлди. Ўзбек мусиқа маданияти ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган таниқли бастакор, Ўзбекистон халқ артисти Сулаймон Юдаков ижодига мансуб бўлган ушбу асар дастлаб Ўзбекистон давлат академик Катта опера ва балет театрида намойиш қилинди.**

Шундан сўнг у Душанбе, Ашхобод, Уфа каби шаҳарлар театрлари саҳналарига олиб чиқилди. Шўхчан миллий оҳангларга бой опера Москва, Польша томошабинлари эътиборини ҳам қозонди. Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри ўзининг бу йилги томоша репертуарига мазкур спектаклни киритди.

# ТОМОШАБИНЛАРНИ МАМНУН ЭТИБ

**Республикамизда биринчи ўзбек цирки жамоаси ташкил топганига 70 йилдан ошди.**

Ушбу мўъжизакор санъат намоёндалари нафақат мамлакатимизда, айни вақтда чет элларда ҳам ўз ижрочилик маҳоратларини намоён этиб келишмоқда.

Тошкентда янги цирк биноси бунёд этилиши ҳам нур устига аъло нур бўлди. Хадра майдонига чирой бахш этиб турган ушбу санъат қасрида бир йўла уч минг томошабин цирк дастурларини кўриш имкониятига эга. Томоша залининг катталиги жиҳатидан Москва циркидан кейин иккинчи ўринда бўлган ушбу кошонада «Буюк ипак йўли» номли янги томоша дастури ҳам тайёрланди.

# ЯНГИ КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ

**Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида бир йўла учта бўлим ишлаб турибди.**

Картиналарни сақлаш бўлимининг залларида 300 дан ортиқ катта ҳажмдаги асарлар қўйилган. Бу ерда Ўрол Тансиқбоев, Баҳодир Жалолов, Неъмат Қўзибоев каби таниқли мўйқалам усталари ижод намуналари билан ҳам танишиш мумкин.

Баркамол авлод йили муносабати билан галереяда янги кўргазма очилди. Шу билан бирга «Устоз ва шогирдлар» дастури бўйича давра суҳбатлари уюштирилди.

**Акбар АЛИЕВ**

# КУЙ-ҚЎШИҚҚА УЛАНДИ

**Учтепа туманидаги 123-мактабда бўлиб ўтган тадбир «Хуш келибсан ўлкамга, баҳор» деб номланди.**

Унда мактабнинг юқори синф ўқувчилари дилрабо куй-қўшиқлари, дилбар рақслари ва саҳна кўринишлари билан билан байрам дастурининг янада мазмунли ва мароқли ўтишига катта ҳисса қўшди.

Айниқса, ўқувчилар томонидан тайёрланган кўргазмали чиқишлар барчанинг диққат-эътиборини тортди.

— Ҳар йил баҳор фаслини ўзгача бир интиқлик билан кутиб оламиз,— дейди мактаб директори Саида Арипова. — Ота-оналар, маҳалла фаоллари иштирокида Наврўз байрамини алоҳида кўтаринки кайфият билан нишонламоқдамиз. Ўқувчиларимиз тайёрлаган баҳорий таомлардан тузилган дастурхон, ёшариш фасли тасвирлари жамланган кўргазмалар, куй ва қўшиқлар дастури, албатта, барчага хуш кайфият улашади.

Тадбир доирасида қизлар ўртасида «Қирқ кокилли малика» танлови ҳам ўтказилди. Унда қизлар нафақат узун сочлари, балки зукколик, пазандалик ва чеварлик санъатларини ҳам намойиш қилдилар.

**Гулнигор САТТОРОВА**



Байрам шукуҳи



Сайиллар

# АНЪАНАЛАР ЭТАДИ ДАВОМ

Кўклам ойининг кўркам фаслида нишонланаётган Наврўзи олам шодиёналари шукуҳи дилларга ўзгача завқ-шавқ, кўтаринки кайфият бағишламоқда.

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги Наврўз умумхалқ байрамини кенг нишонлаш, талаба-ёшларни миллий ва умумбашарий қадриятларни қадрлашга ўргатиш, анъаналаримизни янада юксалтириш мақсадида 15 мартдан 15 апрелгача байрам тадбирларини ўтказиб боришни режалаштирди.

— Наврўз инсонийлик, меҳру оқибат, саховат ва мурувватни, янгиланиш, яшариш, жамики эзгуликларни мужассам этган улуғ байрамдир, — дейди шаҳарча ҳокими Рўзимурот Чориев. — Халқимиз Наврўзни ўзгача бир муродбахш кун сифатида кутиб олади ва бир ой давомида узлуксиз кенг нишонлайди. Бизнинг мўъжазгина шаҳарчамизда ҳам Наврўз ўзига хос қадриятларни мужассамлаштирган ҳолда нишонланмоқда. Қалби жўшқин ёшларимиз миллий либосларини кўз-кўз қилиб, ўз қўллари билан дошқозонларда сумалаклар пиширмоқдалар. Турли кўкатлардан тайёрланган баҳор неъматлари ёшлар дастурхонини безаётир. Истаймизки, қалбида изланиш, интилиш, билим олиш ва юксак чўққиларни забт этиш шижоати билан яшаётган фарзандларимизнинг ҳар бир куни шундай кўтаринки руҳда ўтсин. Юртимиз осмонидаги мусаффолик абадий бўлсин. Қўлларини дуога очаётган нуроний отахон ва онахонларнинг ҳар бир каломи эзгулик, яхшилик, нурафшон кунларни инъом этсин. Келажаги порлоқ, истиқболи ёрқин авлоднинг ҳар бир куни Наврўз бўлсин.

Шаҳарча ҳокимлиги бир қатор жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари ҳамкорлигида «ёшлар сайил»ларини ўтказишни режалаштирган. Айни шукуҳли кунларда эл ардоғидаги хонандалар, эстрада юлдузлари, театр актёрлари иштирокидаги байрам концертлари ва қизиқарли томошалар барчанинг қувончига қувонч қўшмоқда. 40 га яқин дошқозонда тайёрланаётган сумалак ва ош Наврўз тортиғи сифатида кўпчиликка улашилмоқда.

Миллий таомлар кўргазмаси ҳам катта қизиқиш билан ўтаётир. Лапар ва айтишувлар, деворий газеталар танловлари ҳам байрам дастуридан ўрин олган.

Спорт иштиёқмандлари учун «Маънавият ва маърифат» маркази биноси олдида талабалар ўртасида шахмат-шашка, стол тенниси, арқон тортиш, тош кўтариш, армрестлинг, кураш мусобақалари ўтмоқда.

Саховатпешаликни ўзида мужассам этган Наврўз кунлари қариялар ҳолидан хабар олиниб, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ижтимоий кўмакка муҳтожларга мурувват кўрсатилади.

Бир сўз билан айтганда, талабалар шаҳарчасининг яшилликка бурканган хушманзара ҳудудида нишонланаётган умумхалқ байрами ёшларимизнинг дилига шодумонлик, қалбига фахр ва ифтихор туйғуларини бахш этаётгани, шубҳасиз.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

# ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

**«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси томонидан қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Уларнинг аксарияти ўз вақтида адо этилиб, дастлабки самараларини бера бошлади.**

Тошкент шаҳар махсус алоқа боғламасининг реконструкция қилиниши ҳам ўзига хос ютуқ бўлди.

«Тошкент шаҳар маълумотлар узатиш тармоғини кенгайтириш» лойиҳаси янги технологиялар асосида ўз ечимини топди. Шунингдек, бу лойиҳа пойтахт аҳолисига алоқа хизмати кўрсатишда қўшимча қулайликлар яратди.

Тошкент-Бухоро Транс-Осиё-Европа тармоғини замонавий технологиялар асосида кенгайтириш мақсадида компания мутахассисларининг олиб борган самарали изланишлари қўл келди.

**Анвар ВАЛИЕВ**

# СОҒЛОМ ФАРЗАНД – СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

**Мирзо Улуғбек туманидаги “Югнакий” болалар соғломлаштириш мажмуасида ўсмирлар ўртасида спорт мусобақалари бўлиб ўтди.**

Ўқувчи-ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, иқтидорлиларни танлаб олиш, спорт билан мунтазам шуғулланиши учун шароит яратиш мақсадида кўплаб мусобақалар уюштирилмоқда. Ана шундай мусобақалардан бири Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси шаҳар филиали ва Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлими ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда ўқувчи-ёшлар баскетбол, волейбол, футбол ва қувноқ старт баҳсларида ўзаро беллашишди. Мусобақа икки босқичда ташкил қилинди. Биринчи босқичда тумандаги барча мактаблар жамоалари иштирок этди. Бу беллашувларда ғолибликни қўлга киритган 256-, 120-, 279-, 211-, 248-, 210-мактаблар жамоалари иккинчи босқичга етиб келишди.

Иккинчи босқичда умумжамоа ҳисобида беллашувларда етарлича жисмоний тайёргарликка эга эканлиги билан ажралиб турган 256-мактаб жамоаси мутлақ ғолибликни қўлга киритди. Иккинчи ўрин 120-мактабга насиб этган бўлса, 248-мактаб вакиллари фахрли учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

# АЖДОДЛАРГА МУНОСИБ ВОРИСЛАР

**Пойтахтимизда “Буюк аждодларга муносиб авлод бўлайлик” мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.**

Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда шаҳар бўлими, Амир Темур жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир Мирзо Улуғбек таваллудининг 616 йиллигига бағишланди.

Дунё аҳлини ҳайратга солган улуғ мутафаккир, ўзида мингдан зиёд юлдузлар ҳаракатини жамлаган астрономик жадвал асосчиси Мирзо Улуғбек билан ҳақли равишда фахрлансак арзийди. Буюк аждодимизнинг умумбашарий қадриятларга қўшган ҳиссаси беқиёс бўлиб, бугунги кунда ҳам улкан аҳамият касб этмоқда.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда Улуғбек илмий меросини ўрганиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, аллома яшаган давр, унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида янги китоблар, илмий мақолалар, бадиий асарлар ёзилмоқда.

Анжуманда Шарқ мамлакатларидаги илмий анъаналарга кўра, фалакиёт соҳасида яратилган «Зиж» туркумидаги асарлар “Зиж” асосан жадваллардан иборат бўлганлиги таъкидланди. Улуғбек илмий меросининг гултожи — “Зиж”дир. “Зижи Улуғбек”, “Зижи жадиди Кўрагоний” номлари билан шуҳрат қозонган бу асар фалакиёт илмининг назарий ва амалий масалаларини қамраб олган дурдона ҳисобланади.

Дунё илм-фанига улкан ҳисса қўшган Улуғбек “Зиж”и ўрта асрлардаёқ Осиё ва Европа мамлакатларига кенг кириб борган. Маълумотларга қараганда, “Зиж”нинг юзга яқин форсий ва ўн бешдан ортиқ арабий нусхаси мавжуд. Европалик машҳур астроном олимлар уни лотин, француз, инглиз тилларига таржима қилган, шарҳлар битган. Тадбирда Улуғбек сингари буюк аждодларимизга муносиб ворис бўлиш, улар илмини ўрганиш ҳар бир ёш учун юксак вазифа эканлиги қайд этилди.

**«Юзрабод» болалар спорт мажмуасида спортнинг Жит Кун До тури бўйича “Соғлом авлод учун” кубоги мусобақаси ўтказилди, деб хабар беради «Туркистон-пресс».**

# ҚИЗИҚАРЛИ МУСОБАҚАЛАР

Шарқ яккакураши ва жанг санъати маркази ҳамда Жит Кун До Федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу мусобақада Тошкент, Фарғона, Сирдарё вилоятлари ва пойтахтдан 120 нафарга яқин 7-14 ёшгача бўлган спортчилар баҳс олиб боришди.

Ушбу спорт тури ўзини ўзи ҳимоя қилишга йўналтирилган бўлиб, унинг асосчиси афсонавий киноактёр Брюс Ли ҳисобланади. 1967 йилда асос солинган Жит Кун До муштни олдинга йўналтириш маъносини англатади, якка кураш санъатидаги жозибаларни ўзида мужассам этган. Жит Кун До кўчиш, сирғалиш, оёқ ва қўл зарбалари, қўлга олиш, улоқтириш, тўсиш, жавоб зарбаси бериш ҳаракатлари билан боғлиқ. Бошқа якка кураш турларидан фарқли равишда Жит Кун До қатъий ва аниқ қоидаларга эга эмас, мустақил ва эркин спорт саналади. 2002 йил 1 октябрда Тошкент шаҳрида ҳам Жит Кун До спорт клуби очилди. Ташкил этилганига кўп бўлмаган, аммо юртимизнинг барча ҳудудлари вакиллари аъзо бўлишга улгурди. Бир қатор спортчиларимиз қора белбоғ соҳиби ҳамдир. Юртимиз Жит Кун До усталари АҚШ, Канада, Исроил, Ҳиндистон ва Россия машҳур спорт мажмуаларида ёшларга сабоқ бериб келаётир.

— Бу спорт турининг ўзига хос томонлари бор, — дейди ўсмирлар ўртасида ғолибликни қўлга киритган Б.Йўлдошев. — Спортнинг қайси тури билан шуғулланмасин, киши ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом бўлади.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларни спортга кенгроқ жалб қилиш мақсадида ташкил этилган “Соғлом авлод учун” кубоги бўйича олиб борилган баҳслар муросасиз кечди. Турли вазн тоифаларида куч синашган спортчиларнинг 45 нафари ғолибликни қўлга киритди. Шундан 15 тасига “Соғлом авлод учун” кубоги топширилди. Умумжамоа ҳисобида Фарғона, Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти ёшлари тегишли ўринларни қўлга киритди.

# СУВ – ҲАЁТ МАНБАИ

**“Камалак” Болалар ташкилоти ва «Экомактаб» экология-ресурс маркази ташаббуси билан “Ёшларнинг экологик салоҳиятини ошириш орқали уларни атроф-муҳит муҳофазаси жараёнига кенг жалб этиш” лойиҳаси амалга оширилаётир.**

Мазкур лойиҳа доирасида қатор учрашувлар, анжуманлар, давра суҳбатлари, кўрик-танловлар ўтказилмоқда.

Ушбу лойиҳа экологик маданиятни юксалтириш, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашда ўсиб келаётган авлодни кенгроқ жалб қилишга қаратилган бўлиб, бунда ёшларимиз ўз фаоллигини намойиш этаётир.

Сувдан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш ҳар бир кишидан масъулият талаб қилади. Маълумотларга қараганда, жаҳонда чучук сувни ишлатиш ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда, айни пайтда кўп мамлакатлар аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган асосий эҳтиёжларини қондириш ва экотизимларнинг барқарорлигини сақлаш учун зарур даражадаги сув таъминотида қийинчиликлар сезмоқда. Бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири аҳолини тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондириш ва ушбу жараёнда санитария шароитига эътибор қаратишдир.

Лойиҳа доирасида турли тадбирларни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад ҳам сув, айниқса тоза ичимлик сувига эҳтиёткорона муносабатни шакллантириш, ундан оқилона фойдаланишни таъминлаш, ёшларнинг экологик маданиятини юксалтириш ёрдамида табиатнинг бетакрор неъматларига масъулият ҳиссини кучайтиришдан иборат.

**“Туркистон-пресс”**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан,** Ўзбекистон Республикаси МХХ омборхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. “Ваз-21011” русумли, д/р 11Т1686 бўлган, 1976 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 04.09.2009й, №1-539/2009). Бошланғич баҳоси – 4 325 563 сўм; 2. “Тико” русумли, д/р 11Z2167 бўлган, 1997 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 23.12.2009й, №2-151-09/10). Бошланғич баҳоси – 3 444 329 сўм; 3. “Матиз” русумли, д/р 30А7517 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 09.07.2009й, №1-559/09). Бошланғич баҳоси – 9 716 000 сўм; 4. “Ласетти” русумли, д/р 01R774АА бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 09.07.2009й, №1-559/09). Бошланғич баҳоси – 19 602 000 сўм; 5. “БМВ 5231” русумли, д/р 30S5484 бўлган, 1997 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 03.03.2009й, №68/2009). Бошланғич баҳоси – 33 980 172 сўм 80 тийин; 6. “Мерседес Бенц 290” русумли, д/р 30L8448 бўлган, 1997 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро хужжати 03.03.2009й, №68/2009). Бошланғич баҳоси – 38 844 297 сўм 60 тийин; 7. “Нексия” русумли, д/р 10Т0038 бўлган, 2000 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 03.03.2009й, №68/2009). Бошланғич баҳоси – 14 500 000 сўм; 8. “Матиз” русумли, д/р 10Z8503 бўлган, 2005 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 20.11.2009й, №ХҲ/I-03-09). Бошланғич баҳоси – 7 621 553 сўм; 9. “Мазда 6” русумли, д/р 30W7897 бўлган, 2008 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 20.11.2009й, №ХҲ/1-03-09). Бошланғич баҳоси – 48 790 989 сўм; 10. Тошкент ш., ИИББ Ахборот марказига қарашли жарима майдонида сақланаётган “Нексия” русумли, д/р 30С3239 бўлган, 1999 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 06.11.2009й, №388/2009). Бошланғич баҳоси – 13 324 868 сўм.

**Аукцион савдоси 2010 йил 27 апрель куни соат 11:00да бўлиб ўтади.**

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситаси 2010 йил 27 апрелдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситасини сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 11 май куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

**Шунингдек, 2010 йил 13 апрель куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран суд ижрочилари бўлими томонидан, С.Раҳимов тумани СИБ томонидан** Тошкент шаҳар ИИББга тегишли 8-сонли жарима майдончасида сақланаётган: 1.«Дамас» русумли, д/р 10АС068 бўлган, 1997 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 13.11.2007й). Бошланғич баҳоси – 3 353 482 сўм; 2. “Тико” русумли, д/р 10АЕ326 бўлган, 1997 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 13.11.2007й). Бошланғич баҳоси – 4 154 922 сўм; 3. “Матиз” русумли, д/р 30U5547 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 16.06.2008й, №10-0810/4895). Бошланғич баҳоси – 9 067 179,60 сўм.

— Чилонзор тумани СИБ томонидан, Чилонзор тумани “Эркин” жарима майдонида сақланаётган “Тико” русумли, д/р 21J6838 бўлган, 1999 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда (ижро ҳужжати 29.07.2009й). Бошланғич баҳоси – 8 100 000 сўм.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850.Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4721 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

12345

Буюртма Г- 206

Топширилган вақти: 14.35